

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

*Кўл ёзма ҳуқуқида*

*УДК 398*

**СУННАТИЛЛАЕВ АСАТИЛЛО СУННАТОВИЧ**

**“ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА  
БАДИИЯТИ”**

**5A151601 – Халқ ижодиёти: (фольклор ва этнография)**

**Магистр**

**Академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар:**

**ф.ф.н, доцент О. АХМЕДОВА**

**Тошкент – 2018**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	2-6
I БОБ. Ўзбек маросим қўшиқларининг ўрганилиши.....	7-20
II БОБ. Ўзбек маросим қўшиқларининг таснифи.....	21-55
III БОБ. Ўзбек маросим қўшиқларининг бадиияти.....	56-85
Умумий хулоса.....	86-88
Фойдаланилган адабиётлар.....	89-91
Иловалар.....	92-120

## Кириш

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Истиқлол йилларида миллий – маънавий меросга бўлган эътибор натижаси ўлароқ юртимизда мазкур жабҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, асрий қадриятлар негизида қарор топган бой мусиқа меросимизнинг ўтмиш тақдирини идроклаш, тарихини чуқур ва ҳолис ўрганиш масалалари янги босқичга кўтарилди. Қолаверса, бугунги кунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор қаратаётганликлари тақсинга лойиқ. Айниқса, кейинги пайтда бу соҳа равнақини янги босқичга кўтариш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда. Китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил қилинмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев санъат ва маданият, адабиётга шундай таъриф беради: «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади».

Ҳақиқатдан ҳам жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган Ўзбекистонда хилма-хил жанрлардан иборат бой фольклор анъаналари юзага келган. Асрлар давомида яратилиб гавҳардай асраб-авайлаб, замонамизгача етиб келган ҳикматлар, мақол ва маталлар,

эртақлар ва офаризмлар, халқ кўшиқлари, дostonлари ва айтишувлари аждодларимиз бадий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги, ўзбек халқининг маънавий мулки, ҳуқуқий қадриятидир. Уларнинг ҳар бири аждодларимиз ақл идроки ва тафаккури, одоб-ахлоқи, маънавияти, ҳуқуқий билим бойликлари, ҳаётий тажрибалари ва сабоқларининг лўнда, ихчам ва қисқа хулосасидир. Улар неча минг йиллар олдин теран қалб соҳиблари бўлмиш ота-боболаримиз томонидан яратилган, истеъмолда қўлланган ва туб аҳолининг бебаҳо мулкига айланган. Маънавий хазинанинг асоси бўлган сўз санъати орқали қадрият бешиклари тебратилган.

Албатта, халқ оғзаки ижоди намуналари аждодларимиз бадий салоҳиятининг асрлар мобайнидаги тараққиёти давомида шаклланган қудратли маънавият хазинаси ва халқимизни юксак қадриятлар руҳида тарбияловчи маънавият сарчашмасидир.

Халқнинг донишмандлиги, теран салоҳияти туфайли яралган фольклор жанрларидан бири бўлмиш кўшиқлар эса халқ оғзаки ижодининг энг оммавий намунаси ҳисобланади. Кўшиқлар халқ маънавиятининг, ижодкорининг буюк қудратини, меҳнаткаш омма иродасининг букилмаслигини ифодалайди. Кишиларни руҳан тетикликка, жасоратга, меҳнатсеварликка, инсонпарварликка, дўстликка ва вафодорликка чорлайди. Кўшиқлар қандай мавзу ва мазмунда бўлмасин сўз, оҳанг ҳамда ижро мукамаллигида инсон қалбига сингиб боради.

Ўзбек халқ маросим кўшиқлари агар инсоннинг рухий, маънавий, маърифий эҳтиёжига тўлақонли жавоб бермаганда, бугунги кунгача етиб кела олмаган бўлар эди. Демак, маросим кўшиқлари инсоннинг руҳиятига, кайфиятига ҳамоҳанг равишда тарбиявий вазифаларни ҳам бажаради. Маросим кўшиқлари халқимизнинг кўҳна бойлиги, у ҳамма даврларда ҳам ўзининг тарбиявий таъсирчан ғоялари билан кишиларнинг маънавий жихатдан юксак шахс бўлиб шаклланишида ҳиссадор бўлиб келган. Халқимиз шеърни кўшиқ қилиб айтилишигагина эмас, унинг узоқ сақланиши, абадий қолиши, одамларнинг, айникса, келажак авлоднинг

маънавий юксалишига ёрдам бериши, инсоннинг рухий озикланишига хизмат килиши учун кадрлаган. Улардаги сода, равон сўзлар тизими, оҳангнинг миллийлиги эса ёшларда халқ кўшиқлари хақидаги билим ва тасаввурларнинг тўлиқ шаклланиш имконини яратибгина қолмай, улар маънавиятини юксалтиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти маросим кўшиқларидир. Маросим ва маросим фольклори тушунчалари, ўзбек маросим фольклори жанрлари, ўзбек маросим кўшиқларининг таснифи, маросим кўшиқларининг бадиияти тадқиқотимиз объекти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ўзбек маросим кўшиқлари фольклоршуносликда тўлиқ тасниф этилмаган. Мавзунинг ўрганилган қисмини унинг ўрганилмаган жihatларини қиёсий таҳлил этиб ўрганиш. Маросим кўшиқларидаги турли хил рамзлар, образли ифодоларнинг маъно катламларини чуқурроқ тадқиқ этиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

**Вазифалари:**

- Маросим кўшиқларининг ўрганилиш даражасини таҳлил этиш ва ўрганиш;
- Маросим кўшиқларини таснифи масалаларини ўрганиш;
- Маросим кўшиқларида мавжуд бўлган бадиий тасвир воситаларини ўрганиш;

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Marosim qo'shiqlari inson hayotining eng muhim davrlari, burilish nuqtalari, (tug'ilish, balog'at, o'lim) va ularning tabiatga munosabati oz aksini topgan bo'lib, maishiy psixologik hamda estetik funktsiya ham bajarib keladi. Umuman o'zbek xalq qo'shiqlari bugungi kunga qadar ko'p marotaba o'rganilganligiga qaramay, afsuski yetarli darajada tasnif etilgan emas. Marosim qo'shiqlarining tasnifi va badiiyatiga bag'ishlangan ushbu dissertatsiyada marosim qo'shiqlarining tasnifi, ulardagi ramziy ma'nolar o'rganilib, taxlil etildi.

Tadqiqotning ilmuy-nazariy xulosalarining yangiligi quyidagilarda ko'rinadi:

- Ularning tadqiq etilgan va tadqiq etilmagan qismlari bilan qiyosiy o'rganilib, taxlil qilindi;
- Marosim qo'shiqlarining tasnifi masalalariga alohida to'xtalib, qo'shiqlarning tasnif etilishiga oid faktik ma'lumot va farazlar berildi;
- Mavsum marosim va oilaviy marosimiga daxldor poetik namunalarning janriy va badiiy xususiyatlari o'rganildi va tasnif etildi;

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:** Ushbu dissertatsiya ishida quyidagi masalalar ko'rildi.

- O'zbek marosim qo'shiqlarining tadqiqi va tasnifi masalalari;
- Poetika atamasining mohiyati, uning adabiyotshunoslikdagi talqinlari hamda marosim qo'shiqlaridagi badiiy vositalarining o'ziga xos xususiyatlari;
- Marosim qo'shiqlarining janr xususiyatlari;

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (тахлили):**  
Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг миллий қадриятларни ривожлантириш, айниқса ёшлар онгига маданий меросимизнинг бир қисми бўлган фольклор санъатини сингдиришга кенг имкониятлар яратилиши кераклиги ҳақидаги қимматли фикрлари, асарлари, назарий қарашлари ҳамда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек халқ оғзаки ижодиёти ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари, маъруза ва асарларидаги ғоя ва қарашлари тадқиқотимизнинг методологик асосини ташкил этади. Ушбу илмий тадқиқот иши М.Алавия, Б.Саримсоқов, М.Жўрақв, А.Мусақулов, Д.Ўраева, Ш.Турдимов, Л.Худойқулова, С.Давлатов, О.Исмонова каби олимларнинг илмий-назарий қарашларига асосланиб ёзилди.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи:** Диссертацияда тарихий-қиёсий методдан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:** Ўзбек маросим қўшиқларининг таснифи ва бадийтини тадқиқ этишга бағишланган ушбу диссертация асосий хулосалари ва умумлашмалари ўзбек маросим фольклорини барча ҳудудлар материаллари асосида кенг кўламда қиёсий ўрганишда ўзига хос назарий аҳамият касб этади.

Chiqarilgan ilmiy xulosalar o'zbek folklorshunosligida marosim folklorini tavsiflash va ilmiy tahlil qilishda, marosimga aloqador qo'shiqlarning badiiyati yuzasidan tadqiqotlar olib borishda nazariy manba bo'lib xizmat qilishi mumkin. Qolaversa umumiy o'rta ta'lim maktablari, kasb-hunar kollej va litseylarida xalq og'zaki badiiy ijodiyoti bo'yicha mahsus kurs va to'garak mashg'ulotlari olib borishda, darslik va o'quv qollanmalar yaratishda foydalanish mumkin.

**Тадқиқотнинг тузилмаси:** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## **I БОБ. ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

Халқимизнинг кўп асрлик маънавий мероси сифатида вужудга келган маросимлар узоқ тарихий йўлни босиб ўтиб, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Маросимлар ўзида халқнинг асрий анъаналари, турмуш тарзи, менталитети, қолаверса, ғоя ва қарашларини бевосита акс эттирувчи воқеълик сифатида гавдаланар экан унда халқ турмушининг этник ва эстетик жиҳатлари ўз ифодасини топади. Ва ушбу маросимлар таркибининг вербал қисмини ташкил этувчи қўшиқлар эса маросим қўшиқлари ҳисобланади.

Маросим фольклори намуналари фольклорнинг энг қадимий жанрлари сирасига киради. Маросим фольклори бўлмиш оилавий-маиший маросимлар ўзида миллий қадрият ва урф-одатларни мужассамлаштиргани билан аҳамиятлидир. Маросим фольклори ва унинг икки қисми – мавсумий маросим ва оилавий маросимлар фольклори ҳар бир халқнинг ўзлигини намоён этувчи таянч манба ҳисобланади. Ўзбек халқининг мавсумий ва оилавий маросимлари тизими ҳамда фольклорида унинг оламни англаш, унда инсоннинг ўрни ва вазифасини белгилаш билан боғлиқ дунёқарашлари акс этган. Халқнинг барча ҳаётий тажрибалари, билим ва хулосалари аввало ана шу мавсумий, оилавий маросимлар тизими ва унда куйланувчи фольклор намуналарида мужассам топган.

Ўзбек маросим фольклори ўтган асрнинг 30-йилларига қадар деярли тадқиқ этилмай келинган. Ўзбек халқ маросим фольклори намуналарини ўрганган, нашр этган, тадқиқ қилган бир қатор олимлар М.Алавия, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, А.Мусақулов, Д.Ўраева, О.Собиров, О.Сафаров, Ш.Турдимов, Л.Худойқулова, С.Давлатов, О.Исмонова, Г.Мардоноваларнинг илмий-назарий қарашлариг алоҳида аҳамиятга эга.

Халқимизнинг хилма-хил урф-одат ва расм-русумлардан бешик тўйи ва никоҳ тўйи маросимлари В.Н.Басилов, Ҳ.Исмоилов, А.Аширов, М.Сатторов, Г.Тошева каби олимлар томонидан этнографик жиҳатдан ўрганилган.



Маросим фольклори жанрларнинг тўпланиши ва ўрганилишида фольклоршунос олима Музайяна Алавия хизматлари каттадир. Музайяна Алавия Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ кўшиқлари, афсона, ривоят, эртақларни тўплаган.<sup>1</sup>

Музайяна Алавия ўзбек халқ маросим кўшиқларининг мавзу камрови, ғоявий мазмуни, бадий хусусиятлари, ижтимоий моҳияти, ижро этувчининг ижрочилик санъати, маросим фольклори намуналарининг тарихий асосларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар муаллифидир.

М.Алавия ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедициялари иштирокчиси сифатида оилавий-маиший маросимлар билан алоқадор ўлан, ёр-ёр, келин салом, лапар каби жанрларга оид матнларни тўплаган. 1969-йилда Сайрам, Туркистон, Иқон, Қорабулоқ бўйлаб ўтказилган фольклор экспедицияси чоғида шамол тўхтатиш маросими билан боғлиқ «Чоймомо» кўшиғининг кўплаб вариантларини аниқлаган.<sup>2</sup>

Маросим фольклори намуналарини изчил тўплаб, тадқиқ этган М.Алавия 1957 йилда Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманидаги Дўсберган қишлоғида яшовчи Қирмиз момо ҳамда Аширой Рўзиевадан боқимчилик ва бахшичилик амалиётининг тўлиқ тавсифини ёзиб олган.<sup>3</sup>

1926 йилдан халқ кўшиқларини тўплашга ва ўрганишга киришган лекин ўз тадқиқотларини, асосан, урушдан кейинги йилларда эълон қила бошлаган М.Алавия 1959 йилда нашр қилдирган «Ўзбек халқ кўшиқлари» китобида кўшиқ жанрининг табиатини тадқиқ қилар экан, бошқа турдаги халқ кўшиқлари қаторида мотам маросимига алоқадор йиғи ва

---

<sup>1</sup> Жўраев. М. Ўзбек фольклор санъати ва фольклоршунослиги тарихи // «Ўзбек миллий фольклор санъати ва этномаданий кадриятлар» Ўқув кўлланма. Масъул мух: Йўлдошева.С.Н. - Тошкент; Наврўз- 2014. Б - 8

<sup>2</sup> ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№. 1628

<sup>3</sup> ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№. 1315/1. Б - 79-99

йўқловларнинг 161 мисрадан иборат намунасини илк бор чоп эттиришга эришди.<sup>4</sup>

М.Алавиянинг ўзбек маросим фольклорини илмий тадқиқ этиш борасидаги изланишлари 1974 йилда чоп эттирилган «Ўзбек халқ маросим кўшиқлари» номли монографиясида умумлаштирилган.

Маросим фольклорини типологик аспектда ўрганган Баҳодир Саримсоқов ўзининг бу йўналишдаги тадқиқотларини «Ўзбек маросим фольклори» (1986) номли монографиясида умумлаштирилди. Мазкур асарнинг илмий қиммати шундан иборатки, унда «маросим» ва «маросим фольклори» тушунчаларининг моҳияти ойдинлаштирилган, ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби бир неча мезонлар асосида изчил таснифланган. «Яс-юсун», «Обло барака», «Шох мойлар», «Лола сайли», «Лой тутиш», шамол чақириш ва ёмғир ёғдириш билан боғлиқ маросим фольклор намуналари, сўз магиясига асосланган бадик ва кинна жанрлари тадқиқ этилган.

1988 йилда нашр этилган уч томлик «Ўзбек фольклори очерклари»нинг биринчи томида келтирилган «Маросим фольклори» бобида мавсумий маросимлар фольклори, ўзбекларда ёмғир чақириш маросими «Суст хотин» жанри, шамол тўхтатиш «Чой момо» маросими сўзнинг магик қудратига асосланган маросим фольклори, тўй маросим фольклори: «ёр-ёрлар», «келин саломлар», «тўй олқишлари», «куёв салом», мотам маросими фольклори, ўзбек йиғилари олим Баҳодир Саримсоқов томонидан янада кенгроқ тадқиқ этилган.

Истиқлол туфайли маросим фольклорининг илгари нашр этилмаган ёки қисман оммалаштирилган намуналари чоп эттирилди. Хусусан, ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта Наврўз байрами билан боғлиқ ўзбек фольклори асарларидан тузилган «Наврўз» китоби (тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев, 1992 йил), йилбоши байрами ва

---

<sup>4</sup> М.Алавия. «Ўзбек халқ кўшиқлари». Т; ЎзР ФА - нашриёти. 1959.

баҳорий удумлар билан алоқадор урф-одат ҳамда маросимлар, унда ижро этиладиган кўшиқлар тахлилига бағишланган «Наврўз кўшиқлари» (М.Жўраев, 2007 йил), халқимизнинг табиат ҳодисалари билан алоқадор инонч ва таъбирлари жамланган «Об-ҳаво даракчилари» тўплами (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев, 1996 йил), «Улуғ ой умидлари. «Ё рамазон кўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев ва Ш.Шомусаров, 2001 йил), ўзбек дафн ва таъзия маросимлари фольклори намуналаридан таркиб топган «Бўзлардан учган ғазал-ей» (нашрга тайёрловчи: О.Сафаров, Д.Ўраева, 2005 йил) сингари китоблар халқимизнинг маросим фольклорини тўла нашр этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.<sup>5</sup>

Шунингдек, фольклористик изланишлар самараси ўлароқ «Остонаси тиллодан. Тўй маросим кўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Мирзаева, А.Мусақулов, 1993 йил), «Қизил гулнинг ғунчаси». «Келин саломлар» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев ва О.Исмонова, 1999 йил), «Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев, 2000 йил), «Тўй муборак ёр-ёр» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: О.Сафаров, 2003 йил), «Сарчашмадан томган инжулар. Сурхон воҳаси ўзбек тўй маросим кўшиқлари» (тўплаб, нашрга тайёрловчи: Л.Худойкулова, 2007 йил) каби фольклор тўпламлари нашрдан чиқди.<sup>6</sup>

Ҳар бир халқнинг миллий ўзлиги аввало, унинг урф-одатлари ва маросимларида намоён бўлади. Анъаналар халқимизнинг ўзи каби умрбоқий, қалби мисол меҳридарё ва жонбахшдир. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ўзига хос маросимлар, оилавий-маиший ва меҳнат билан боғлиқ анъаналари, момоларнинг меҳр булоғидан қайнаб чиққан оромбахш аллаю, олқишлар мавжуд. Халқ анъана ва маросимлари жо бўлган асрий

---

<sup>5</sup> Жўраев. М. Ўзбек фольклор санъати ва фольклоршунослиги тарихи // «Ўзбек миллий фольклор санъати ва этномаданий кадриятлар» Ўқув қўлланма. Масъул мух: Йўлдошева.С.Н. - Тошкент; Наврўз- 2014. Б-10

<sup>6</sup> Жўраев. М. Ўзбек фольклор санъати ва фольклоршунослиги тарихи // «Ўзбек миллий фольклор санъати ва этномаданий кадриятлар» Ўқув қўлланма. Масъул мух: Йўлдошева.С.Н. - Тошкент; Наврўз- 2014. Б-10

кадриятлар, маънавий кўзгусига айланган қанотли орзулар, фольклор санъатининг кўп асрлар давомидаги ижодий фаолияти натижасида поетик жихатдан сайқалланиб, баркамоллашиб келган. Шунинг учун мустақиллик йиллари ўзбек фольклоршунослигида маросим фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиий хусусиятлари, айниқса илгари ўрганилган жанрларни тадқиқ этиш тамойили кучайди.

Жумладан, Сойибназар Давлатовнинг «Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори»га бағишланган номзодлик илмий ишида (1996) Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари билан алоқадор расм-русумлар, «Юз очди» маросимида ижро этиладиган кўшиқларни таҳлил қилган ва «келин салом» жанрининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, воҳа ўзбек бешик тўйларига оид айтим, олқиш ва кўшиқлар, воҳадаги ўзбек тўй маросимлари фольклори жанрларнинг ҳудудий типологик хусусиятлари ёритилган. Воҳа ўзбек тўй маросимлари фольклори жанрларининг бадиийлиги, маросим таркибида адо этган этно-фольклорий вазифалари очиб берилган.

Оқибат Исмонованинг «Ўзбек тўй маросим фольклорида «Келин салом» жанри» (генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поетикаси) тадқиқот ишида (1999) Ўш вилояти ва умумўзбек никоҳ тўйларида ижро этиладиган «келин салом» кўшиқларининг генезиси, ўзига хос хусусиятлари, ижро ўрни, ижро шакли ва поетикаси туркий халқлар никоҳ тўйи узвларидаги маросим кўшиқлари билан қиёсланган ҳолда ўзбек фольклоршунослигида илк бор монографик жихатдан тадқиқ этилди. «Келин салом» жанрининг мавзу йўналиши, образлар тизими, ғоявий-бадиий тасвирий воситалар силсиласи, шеър тузулиши ўрганилди. Ўш вилояти ўзбек маросим фольклори жанрларининг тарихий тараққиёти ва уларнинг қирғиз халқ оғзаки ижодиёти билан алоқалари хусусида илмий-назарий хулосалар чиқарилди. Диссертация асосан 1995-1999 йиллар давомида Ўш вилоятининг Аравон, Новқат, Ўзган, Қадамжой туманлари, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятига қарашли Олабуқа туманидан тўпланган материаллар тадқиқ этилган.

Дармон Ўраеванинг «Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти»га бағишланган докторлик диссертацияда (2005) ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби биринчи марта изчил тасниф этилган. Ўзбек мотам маросим кўшиқларининг ижро босқичлари ва вазифалари, ўзбек мотам маросими кўшиқларидаги асосий мотивлар, образлар тизими, вазн, банд ва қофия масалалари таҳлил этилган.

Латифа Худойкулованинг «Сурхондарё тўй маросим кўшиқлари» филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияда (2011) бугунги кунга қадар ўз анъаналарини сақлаб келаётган Сурхон воҳаси тўй маросим фольклорига оид фактик материаллар изчил тўпланган. Сурхон воҳаси ўзбек тўй маросим кўшиқларининг ўзига хос жанр хусусиятлари очиқ берилган ва унинг умумўзбек фольклоридан фарқланувчи белгилари ёритилган. Бола туғилиши ва унинг бешик даври билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар ҳамда бешик тўйи маросими фольклори воҳа аҳолисининг серфарзандлик ғоясини ўзида мужассамлаштирган ҳомий култига алоқадор мифологик қарашлари билан боғлиқликда ўрганилган.

Воҳа суннат тўйи фольклорига хос бўлган тўй жанрлари «қавзоқ ўйини», «бола кийинтирар», «бола келди», «чанки», «нақш», каби удумлар билан боғлиқ кўшиқлар тўпланиб, филологик таҳлил қилинган.

«Безак илги», «куёв кийит», «ирга таги», «орият йўли», «ипак илув», «шоҳ улоқ», «буқча очар», «қари илик», «узанги бардор», «жалоқ қизартирар», «куёв кийинтирар», «юк хақи», «жилқи жияр», «қалиққа бориш», «қаллиқ ўйнаш», «ижоб тўйи» каби турли-туман удумлар ҳамда улар билан боғлиқ айтим ва кўшиқлар бошқа ҳудудларда учрамаслиги билан ажралиб туриши кўрсатилган.

Сурхон воҳаси никоҳ тўйи маросими фольклорининг этнографик контексти ҳамда вербал қисми сақланиб қолган «совчилик», «қиз синов», «куёв кийит», «келин кийит», «ипак илув», «безак илги», «буқча очар», ота

синов», «ойна кўрсатар», «бет очар», таъзим солар» каби удумлар билан боғлиқ айтим ва қўшиқларни умумўзбек фольклори материаллари билан киёсий таҳлил қилиш асосида локал белгиларнинг юзага келиш сабаблари кўрсатиб берилган.

Сурхон воҳаси тўй маросими қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркиби ва бадииятини яхлит илмий муаммо сифатида тадқиқ этишга бағишланган ушбу диссертациянинг асосий хулосалари ва умумлашмалари барча ҳудудлар материаллари асосида кенг қўламда киёсий ўрганишда ўзига хос назарий аҳамият касб этади.

Ушбу диссертацияни илмий-назарий жихатдан ёритишда юқорида келтирилган тадқиқот ишлари асосий таянч манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбек маросим фольклорининг ўзига хос жихатлари, поетик асоси, жанрлар таркиби, расм-русумлар, қадимий урф-одатлар, эътиқодий тасаввурлар, рамзлар умумтуркий халқлар маданияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ ва тасниф этилганини ҳисобга олиб асосий манба сифатида олим Баҳодир Саримсоқовнинг «Ўзбек маросим фольклори» монографиясини танладик.

Б.Саримсоқов ушбу монографияда «маросим» ва «маросим фольклори» тушунчалари, «маросим ва «урф-одат» тушунчалари, «маросим» ва «байрам» тушунчаларининг моҳиятини ойдинлаштиради.

Маросимлар жамият, халқ ва шахс ҳаёт фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, улар ибрат орқали тарбиялаш, рухий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари заминида пайдо бўлиб, шаклланиб, сайқалланиб, ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади.

«Маросим» инсон моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган табиий хати-ҳаракат, безак (декорация) ва текстга эга бўлган ҳаётий «сахна» асаридир.<sup>7</sup>

Дарҳақиқат маросим инсон турмушида муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади ва кишилар ҳаётидаги энг азалий воқеаларни (масалан, туғулиш, уйланиш, ўлим каби)ларни кайд этади, расмийлаштиради.

Ўзбек оилаларида ёш авлодни тарбиялаш учун ўзига хос маънавий замин (тизим) сифатида хизмат этадиган - чақалок туғилганидан то улғайиб, янги оила қургунча бўлган ҳаётий муҳим воқеаларни кайд қиладиган маросимлар тизими (Чаққалок дунёга келиши, исм қўйиш, чилла, бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўй) кабилар вужудга келган. Маросим - инсон, оила, жамоа ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган, расмий ва рухий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган, умум қабул қилинган коида-тартибларга амал қилинадиган ҳаётий тадбирдир.

Урф-одат тушунчаси эса ўта кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига халқ ҳаётининг барча томонини-оддий кундалик удум, расм-русум, ирим-сиримлар, ўзаро-муомала тарзи ҳамда барча маросимларни бутунича қамраб олади. Маросим тушунчаси нисбатан тор тушунча бўлиб у шу халқ ҳаётининг маълум соҳаларида омма томонидан қабул қилинган, кўпинча рамзий характерга эга бўлган ва маълум кишилар мажмуи томонидан махсус уюштириладиган намоёишлардан иборат.<sup>8</sup> Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда келади ва яшайди.<sup>9</sup>

---

<sup>7</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-9

<sup>8</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-12

<sup>9</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-152

Бошқача қилиб айтганда, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий характерларга эга бўлган ҳаётий тадбирдир.

«Урф-одат» дейилганда кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддат такрорланиб турувчи ҳатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмасидир. Демак ушбу маросим ва урф-одатга берилган қисқача қайдлардан кўриниб турибдики, урф-одат тушунчаси халқ ҳаётининг барча соҳасини ўз ичига қамраб олса, маросим тушунчаси ҳаётнинг муайян соҳаларигагина алоқадор, холос. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки бўлмаса кўпчилик томонидан бажарилиши шарт бўлган қоида бўлса, маросим белгиланган шахслар томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳатти-ҳаракатдир.<sup>10</sup> Жумладан, кичикнинг каттага биринчи салом бериши ёки кўпчиликка камчиликни салом бериши, меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида яқинлари, кекса қариялар, кўни-қўшнилар ҳолидан хабар олиш каби кўринишлар ўзбекларга хос миллий урф-одатлардир.

Урф-одатлар билан маросим орасидаги ўзаро фарқни улар ичидаги рамзий ҳаракатларни қўлланилиши даражаси орқали ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, урф-одат ўз ичига рамзий ва рамзий бўлмаган ҳаракатларни тўла қамраб олса, маросим фақат рамзий характердаги ҳатти-ҳаракатларнигина қамраб олади. Қолаверса урф-одат муайян халқ учун асосан бир хил – ўзгармас қоида, норма бўлса, маросим бир халқ доирасида кескин локал фарқланишларга ҳам эга бўлади.<sup>11</sup> Шунингдек ҳар қандай маросим ўзи мансуб бўлган халқ урф-одатларининг таркибий қисимларидан бири ҳисобланади. Шу боис маросимдан урф-одат элементларини қидириб топиш мумкин, лекин урф-одатдан маросимни қидириб бўлмайди. Бу ўринда бироз бошқачароқ тарзда фольклоршунос

---

<sup>10</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-13

<sup>11</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-13



Б.Саримсоқов таъбири билан айтадиган бўлсак, ҳар қандай маросим урф-одат ҳисобланади, аммо ҳар қандай урф-одат маросим бўла олмайди.<sup>12</sup>

Хуллас, маросим халқ урф-одатларининг маълум қисмини ташкил этади, қолганлари эса маросимсиз риоя қилинадиган расм-русум, ирим-сирим ва анъаналар ҳисобланади.

Б.Саримсоқов ушбу монографиясида маросим ва байрам тушунчаларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жihatларини таҳлил ва тасниф этган.

Дарҳақиқат, бу икки тушунча ўзбек фольклоршунослигида қоришиб кўлланилади. Бу ўринда гап фақат тушунчалардагина эмас, балки ана шу тушунчалар асосида ётувчи ҳодисаларнинг ўзига хослиги, алоҳидалиги устида бормоқда. Бизнингча, маросим ва байрам алоҳида ҳодисалар бўлиб, улар ўртасидаги фарқланишлар қуйидагиларда кўзга ташланади.<sup>13</sup>

1. Байрамга хос хусусиятлар, энг аввало, унинг махсус таомлар тайёрланиши, янги либослар кийиш ҳамда ҳазил ва хурсандчилик билан ўтказилишида кўзга ташланади. Маросимда юқорида кўрсатилган белгиларнинг барчаси мужассамлашган ҳолда учрамайди.<sup>14</sup>

Албатта, «Суст хотин, «Чой момо» каби мавсумий маросимларда янги либослар кийиш, маросимга атаб махсус таом тайёрлаш хурсандчилик каби элементлар учрамайди. Тўй маросимида барча янги либос кийиб, хурсандчилик кайфиятида бўлса, мотам маросимларида эса махсус либос кийилиб мотам иштирокчилари мотамсаро кайфиятда бўлади.

2. Байрам умумхалқ миқёсида махсус белгиланган бир кунда ўтказилса, маросим ҳамма вақт мавсум ёки ҳаёт талаби билан муайян жойдагина ўтказилади. Мота маросими фақат бирор киши вафот этса, тўй

---

<sup>12</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-13

<sup>13</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-14

<sup>14</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-14

маросими эса бирор киши уйланса, умумхалқ доирасида эмас, белгиланган жойдагина ўтказилади.<sup>15</sup>

Бугунги кунда фольклоршунослик ва этнография фанлари маросим ва байрам тушунчаларининг ўзаро бир-бирига ўхшаш жихатларини, алоқадорлик мавжудлиги бўйича алоҳида аҳамият бериб ўрганилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар қандай байрам дастлаб маросим сифатида юзага келиб, кейинчалик умумхалқ миқёсига кўтарилган ва маросимга жиддийлик характерини маълум даражада йўқотган.<sup>16</sup>

Маросим ва унинг ўзига хос хусусиятларини асосан этнография фани ўрганади. Шу жихатдан олим Баҳодир Саримсоқов маросимнинг ўрганиш даражасини шу ерда яқунлайди ва асосан маросим фольклори ҳақида фикир юритади.

«Маросим фольклори» тушунчаси ўз навбатида, икки муҳим компонентни ўзида мужассамлаштиради. Булар маросимнинг сюжетикаси (кечиш тарзи ва бажариладиган хатти-ҳаракатлар) ва унинг сўз (вербал) компоненти билан боғлиқ узвлардан иборат.<sup>17</sup> Маросим фольклори икки муҳим компонентдан - ҳаракат ва сўздан ташкил топиб, уларни бир-биридан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Чунки бу икки компонент яхлит ҳолда маросимнинг ўзини ташкил этади; улар бир-бирини тўлдирувчи ажралмас қисмлар ҳисобланадилар.<sup>18</sup>

Маросимнинг сюжетикаси (кечиш тарзи ва бажариладиган хатти-ҳаракатлар)ни асосан этнография фани ўрганса, унинг сўз (вербал) қисмини фольклоршунослик ўрганади. Бизнинг тадқиқотимизнинг асосий объекти ҳам маросимнинг сўз билан боғлиқ компоненти ҳисобланади.

Ҳар қандай маросим этнографик жихатдан ўрганилса, асосий объект хатти-ҳаракат ва у билан боғлиқ сеҳр-жоду қудратига эга бўлган

---

<sup>15</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-15

<sup>16</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-16

<sup>17</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-16

<sup>18</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» наширёти. 1986 – Б-19

предметлар ҳисобланиб, сўз компоненти маросимнинг мазмуни ҳамда моҳиятини аниқлаштирувчи, унинг табиатидаги рамзийликнинг нозик томонларини ёритувчи манба вазифасини ўтайди. Агар у ёки бу маросим фольклоршунослик нуқтаи назаридан ўрганилса, у ҳолда ҳаракат компоненти ёрдамчи манба вазифасини ўтайди.<sup>19</sup>

---

<sup>19</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» нашриёти. 1986 – Б-19





## II БОБ. ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Ўзбек халқ қўшиқлари оғзаки ижодимизнинг қадимий лирик жанри ҳисобланади. Мақол, матал, топишмоқ билан бир қаторда халқ қўшиқларининг Махмуд Қошғарийнинг «Девону туғотит турк» китобидан жой олиши ҳам бежиз эмас.<sup>20</sup> Бу, бир томондан, халқ қўшиқларининг ўша олис даврларда ҳам ранг-баранг бўлганлиги, тарихий илдизлари жуда қадимий эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан, уларни таснифлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, лирикада асар яратувчининг атроф-муҳитдан рўй бераёган воқеаларга нисбатан ҳис-туйғулари орқали билдирган муносабати акс этади. Демак, қўшиқларни айтувчининг руҳий ифодаси сифатида қабул қилиш мумкиндир. Чунки ҳаёт тақозоси билан рўй берган воқеа-ҳодисадан хурсанд бўлган кимса ўз мамнунлигини ва дардини қўшиқ орқали ифодалашга интилади. Шунинг учун ҳам халқ маиший ҳаётида муҳим ҳисобланган тўй ҳам, аза ҳам қўшиқ санъати билан боғлангандир.

Маросим қўшиқлари эса халқ мусиқа ижодиётининг энг қадимий, яшовчанлиги жихатидан энг барқарор кўринишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маросим қўшиқларида муайян халқнинг турмуш тарзи, этник тарихи, урф-одатлари, эътиқоди, унинг ўтмиши бутун ўзлиги билан намоён бўлади. Ҳар бир маросим ўзига хос айтимлар, чолғу куйлари ва чақириқлар, қўшиқ ва сўз компоненти биргаликда ўзига хос маросим қўшиқларини ташкил этади.

Қўшиқ турмушда рўй берган ижтимоий ҳодисаларга ҳозир жавобликдир. Қўшиқ санъатнинг инсоният томонидан энг олдин ўйлаб топилган тури деб тахмин қилинади. Ривоят қилишларича, ер юзидаги биринчи қўшиқ Ҳобил исмли ўғли ўлганда Одам ато томонидан айтилган марсия бўлган экан. Дарҳақиқат одамзод туғилган кунидан бошлаб алла эшитади, ўлганда еғи билан кузатилади.

---

<sup>20</sup> Махмуд Қошғарий. Девону туғотит турк. Гаржимон ва нашрга тайерловчи С.М.Муталибов.

Халқ кўшиқларни қайғули чоғда ҳам, шоду-хуррамлик пайтида ҳам ижод этиб, куйга солиб айтади. Ўзбек халқи орасида «Куйган ҳам кўшиқчи, суйган ҳам кўшиқчи» ёки «Суйган кўшиқчи бўлар, куйган ўланчи» деган таъбирлар мақол сифатида юритилади.

Пол Лафарг кўшиқларнинг тарихий аҳамиятини уқтириб, шундай деган эди: « ... мевали дарахтнинг шохларида очилган гул сингари халқ оғзидан чикқан бу кўшиқлар юксак тарихий аҳамиятга эга ... Бу кўшиқ халқ кўнглидаги кайғу-хасрат ва шодликларининг йўдоши, унинг билим комусидир...»<sup>21</sup>

Халқ кўшиқларининг пайдо бўлиши ва ривожидида мифо - поетик тафаккур касб этган. Мифологик мушоҳаданинг бадиий ифодасини эса, анъанавий кўшиқлар ташкил этади. Бироқ ҳаёт муттасил ҳаракатда бўлгани боис унга ҳозиржавоблик билан яратилаётган, янги замон ва унинг кишилари рухиятини ифодалаётган замонавий кўшиқлар ҳам ижод қилинмоқда. Оқибатда кейинги йилларда истиклолга шукроналик билан тўлиб - тошган халқимизнинг орзу - ўйлари, кечинмаларини ифодаловчи янги кўшиқлар бот - бот қулоққа чалина бошлади. Уларнинг анъанавий халқ кўшиқлари руҳида яратилганлиги жозибадорлигини таъминловчи омил бўлаётир. Анъанавий халқ кўшиқларида ташқи маъно билан бир қаторда тингловчи бирданига илғай олишга қийналадиган, халқнинг тарихий – мифологик дунёқараши, ибтидоий тасаввур - тушунчалари, иримлари, урф - одат ва эътиқодларига дахлдор ички маъноси ҳам бўлади. Шу хусусияти билан улар ҳозир яратилаётган кўшиқлардан бирмунча фарқланиб туради. Аммо, ҳозирда яратилаётган кўшиқларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг бевосита ўтмишга дахлдор боълган унсурлардан озиқланаётганлигига гувоҳ бўламиз. Бу унсур ҳозирги кўшиқларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилаётганига ҳеч шак - шубҳа

---

<sup>21</sup> Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари Т. , 1959. – Б - 21.

йўқ. Негаки, ўтмиши боўлмаган халқнинг эртанги куни ҳам мавжуд бўлмаслиги айни ҳақиқат.

Қўшиқ поэзиянинг энг кўп тарқалган ва қадимги турларидан биридир. Ёзувнинг яратилиши ва ёзма адабиётнинг юзага келишидан илгари ҳам қўшиқ мавжуд бўлиб, ёзма адабиётдаги поэзия дастлаб шунинг заминида яратилган.

М.Горький айтганидек, «Сўз санъатнинг бошланиши фольклордадир».<sup>22</sup>

Қўшиқ истилоҳи икки маънода қўлланилади, у кенг маънода халқ поэзиясини англатса, тор маънода халқ лирикаси шаклини, жанрини ифодалайди. Тожикча «Суруд», қорақалпоқча «Қўсиқ», азорбайжонча «Қўшма» ва уйғурча «Қўшоқ» истилоҳлари эстетик моҳият касб этади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида шундай тўртлик бор:

Туркан қатун қутёга,  
Тергур менден қошёга.  
Ажғул сизни табуғчи,  
Отнур жақи табуғ.<sup>23</sup>

Мазмуни:

Туркан хотин қошиға,  
Мендан еткур шеър.  
Хизматга ходимингиз,  
Рост деб, паём бер.

Бу академик А.Қаюмовнинг шеърий таҳлили. Чинданда, «Қошиқ» сўзи дастлаб «мақтов», «алқов» маъносида қўлланган. Бу истилоҳ Юсуф

---

<sup>22</sup> Алавия. М. Ўзбек халқ кўшиқлари Т. , 1959. – Б – 32.

<sup>23</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1 - том. – Т. : Фан, 1960. – Б - 357.



хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида фонетик ўзгаришга учраган ҳолда «Қошуғ» шаклини олган бўлса Хоразмийда «Қўш» шаклини олган.

Туркий халқларда «қўш» сўзи уч маънода: куйламоқ, қўш қўшмоқ – ер хайдаб, экин экмоқ ва жуфт маъноларини билдиради. Ҳар уч маъно ҳам бир-бирини инкор этмайди.<sup>24</sup>

«Қўш» мавсум, яъни баҳор маросимида илоҳларни улуғлаб айтилган қутлов, алқовдир (Саха туркларида шомонлик қўшиғи – кутуруу сўзи ку – рух, уруу – улуғламоқ, қутламоқ маъноларини англатади. Шунинг учун «куйламоқ»нинг бевосита ҳосилдорлик култи билан алоқадорлиги, экин-тикин пайти бу қўшиқнинг куйланиши албатта шарт бўлган.<sup>25</sup>

Маълумки, қўшиқлар асосан тўртликлардан ташкил топган, Икки мисранинг бирикиб, жуфтлик, яъни «қўшиқ» ҳосил қилиш шунчаки тасодиф эмас.<sup>26</sup>

Қўшиқ кишининг онги ва ҳиссиётларига таъсир этиш қудратига эга. Аксарият қўшиқларда халқнинг урф-одати, миллий анъаналари, ахлоқ нормалари ўз аксини топган. Халқ қўшиқларида воқелик гарчи якка шахснинг кечинмалари акс эттирилса-да, бироқ бу кечинмалари орқали омманинг, кўпчиликнинг ҳис-туйғулари билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади.

Ўзбек халқ қўшиқлари яхлит тизим ҳолатида шаклланган бўлиб, шаклий хилма –хиллиги билан ажралиб туради. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаровлар ҳаммуаллифлигида нашрга тайёрланган

---

<sup>24</sup> Эшонкулов Ж. Номоддий маданий мерос ва ўзбек халқ қўшиқларининг тадқиқи масалалари // «Номоддий маданий меросни таълим тизимига татбиқ этиш» Республика илмий-амалий семинар материаллари. Масъул мух: Ахмедова О.М. - Тошкент; Наврўз- 2015. Б – 23

<sup>25</sup> Эшонкулов Ж. Номоддий маданий мерос ва ўзбек халқ қўшиқларининг тадқиқи масалалари // «Номоддий маданий меросни таълим тизимига татбиқ этиш» Республика илмий-амалий семинар материаллари. Масъул мух: Ахмедова О.М. - Тошкент; Наврўз- 2015. Б – 23

<sup>26</sup> Эшонкулов Ж. Номоддий маданий мерос ва ўзбек халқ қўшиқларининг тадқиқи масалалари // «Номоддий маданий меросни таълим тизимига татбиқ этиш» Республика илмий-амалий семинар материаллари. Масъул мух: Ахмедова О.М. - Тошкент; Наврўз- 2015. Б – 24

«Ўзбек халқ оғзаки поетик ижоди» китобида улар жанр мансублиги, ижро мақсади, ўрни ва вазифаси жиҳатидан икки ката гурҳга бўлинади:

1. Маросимга алоқадор халқ қўшиқлари ёки маросим фольклори: мавсумий, оилавий-маиший ва сўз магиясига мансуб маросимларга дахлдор қўшиқларни ўз ичига олади.

2. Маросимга алоқаси бўлмаган халқ қўшиқлари ёки номаросимий фольклор, бу гуруҳга мансуб қўшиқлар ҳам жанрий шакли, ижро хусусияти ва мотивлари ҳамда ичтимоий эстетик вазифасига қараб тўрт кўринишда намоён бўлувчи меҳнат қўшиқлар, лирик қўшиқлар, тарихий қўшиқлар ва термаларни қамраб олади.<sup>27</sup>

Аммо О.Мадаевнинг «Халқ оғзаки поетик ижоди» китобида ушбу таснифнинг бошқачароқ кўринишига дуч келамиз. Яъни, устоз халқ қўшиқларини қуйидаги турларга бўлиб тасниф қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

- 1 . Меҳнат қўшиқлари
- 2 . Мавсум - маросим қўшиқлари
- 3 . Лирик (ишқий) қўшиқлар
- 4 . Тарихий қўшиқлар.<sup>28</sup>

Қуйида ушбу таснифга оид қўшиқларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Мазмунан меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган қўшиқлар меҳнат қўшиқлари деб аталади. Меҳнат қўшиқлари халқимизнинг қўшиқчилик репертуарида алоҳида ва мустақил ўрин тутди. Меҳнат қўшиқларининг мазмун-мундарижасини, жанр хусусиятларини меҳнат турлари ва уни амалга ошириш жараёни белгилайдию Меҳнат қўшиқлари ўзига хос оҳангда созсиз ижро этилади.

Меҳнат халқ шеърятининг энг қадимий шаклларида биридир. Дастлабки намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк»

---

<sup>27</sup>Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т. ; Мусика, 2010. Б - 82.

<sup>28</sup> Мадаев О, Собитова Т. Халқ оғзаки поетик ижоди. Т.; Шарк , 2010. Б -77.

китоби орқали бизгача етиб келган. Меҳнат қўшиқлари ибтидоий инсоннинг меҳнат фаолияти билан бевосита алоқадорликда вужудга келган ва таракқий топа борган.

Б.Саримсоқов фикрича, меҳнат қўшиқларининг тарихий таракқиёти уч босқичда кечган:

1. Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқлар.
2. Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар.
3. Хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар.<sup>29</sup>

Халқ қўшиқларининг яна бир йирик тури бу лирик қўшиқлардир. Улар бадий жихатдан юксаклиги, анъанавийлиги, оммавийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Лирика сўзи «лира» деб номланувчи чолғу асбобининг номидан келиб чиққан, Қадимда Юнонистонда лира чалиб куйлаш диний маросимларнинг таркибий қисми саналган.

Оммавий жанр бўлган лирик қўшиқларнинг асосий мазмунини ишқ – муҳаббат, инсоннинг руҳий олами व्या ички кечинмалари тасвирлаш ташкил этади. Лирик қўшиқлар бир ёки неча киши томонидан ижро этилади. Кўпинча бундай қўшиқлар мустақил тўртликлар тарзида учрайди. Унинг энг муҳим томони шундаки, реал воқеликни шахснинг (лирик қаҳрамоннинг) субектив кечинмалари орқали акс эттирилади ва фақат куйлаш учун яратилади. Киши қалбида туғилган ҳис-туйғуларни муайян образлар ва предметлар тасвири орқали бадий ифода этиш жихатидан эпик поезиядан фарқ қилади.

Тарихий қўшиқлар ўзбек халқ поэзиясининг алоҳида туркумини ташкил этади. Бу туркумга кирувчи қўшиқлар жуда қадимий бўлиб, уларда

---

<sup>29</sup> Саримсоқов Б. Қўшиқлар / Ўзбек халқ оғзаки поетик ижоди. – Т. : Ўқитувчи, 1990. – Б – 144.

тарихий-сиёсий воқеа-ҳодисалар, реал шахслар фаолияти лирик-эпик йўналишда талқин этилади. Шу тўғрисида улар тарихий қўшиқ атамаси билан юритилади.

Асосан ҳикоявий характерга эга бўлган тарихий қўшиқлар ўзбек фольклоршунослигида алоҳида жанр сифатида эътироф этилади. Уларнинг асосий мазмун-мундарижасини тарихда бўлиб ўтган ва халқ ҳаётида маълум из қолдирган тарихий воқеа-ҳодисалар, далиллар ва реал тарихий шахслар фаолиятига алоқадор талқинлар ташкил этади. Тарихий мавзуси тарихий қўшиқ яратилмайди.

Тадқиқотимизнинг асосий объекти бўлган мавсум-маросим қўшиқлари ҳисобланади. «Мавсум» қўшиқлари қиш, баҳор, ёз, куз фасллари билан боғлиқ. Маросим эса диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган тадбир, егин демакдир. «Наврўз қўшиқлари», «Суст хотин», «Чой момо», Ёмғир чақириш». «Шамол чақириш», «Шамол тўхтатиш» каби мавсумий маросим қўшиқлари, «Ёр-ёр», «Ўлан», «Келин салом», «Марсия» каби оилавий маросим қўшиқлари бадиий мукамаллик жиҳатидан сўз санъати намуналари талабига тўлиқ жавоб берадиган шеърлардан иборатдир.

Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихида хилма-хил маросимлар ва маросим қўшиқларини яратди. Бинобарин, ўзбек маросим қўшиқлари бевосита маросимнинг тарихий тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳаётдаги улкан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ўзгаришлар таъсирида аста-секин йўқолиб кетаётган бўлса-да, бироқ уларнинг барчаси қандай ғоявий йўналишда бўлганлигидан қатъий назар ўтмишда халқнинг амалий фаолиятида қўлланилиб келинган. Дарҳақиқат, ҳозирги жараёнда ҳам анъанавий маросимлар халқимизнинг турмуши билан боғлиқ ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Шу тўғрисида маросим қўшиқларини изчил ўрганиш халқ тарихини ўрганишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Бу қўшиқлар халқимизнинг қадимий оммавий байрамлари, оилавий расм-русумлар билан боғлиқ. Абу Райхон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида «Наврўз» байрамини маънавий мерос сифатида тилга олади. Бундан маълум бўладики, мавсум ва маросимларга оид халқ қўшиқларининг тарихи қадим ўтмиш замонларга бориб тақалади.

Дунёда барча халқлар турли муносабатлар билан оммавий байрамларни нишонлаёди. Мавсумлар, диний эътиқодлар, тарихий воқеа-ходисалар, миллий удумлар халқ байрамлари мазмунини ташкил этади. Байрамларнинг ўтказилишига қараб ўша халқнинг тарихи, миллий хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Чунки халқ шодиёналарида рақсга тушилади, қўшиқлар куйланади, миллий либослар кийилади.

Олимларнинг маълумот беришича, мавсум-маросимга оид ўзбек халқ байрамларининг тарихи минглаб йиллар билан ўлчанар экан. Уларнинг айримлари йил фаслларининг қулай ёки ноқулай келиши билан боғлиқ бўлган. Масалан: йил қуруқ келиб, ёмғир ёғмаса «Ёмғир чақириниш» маросими (Суст хотин); буғдой, шоли бошоқлари етилган пайтда шамол уларни пайхон қилса, шамол тўхтатиш (Чой момо); дон маҳсулотларини шопириш пайтида шамол бўлмаса, шамол чақириниш (Ё, Ҳайдар); йил совуқ келса, қуёшга топиниш; умуман, омадсиз йилда қурбонлик келтириш маросимлари ўтказилган. Ушбу маросимларда маросим қўшиқлари етакчи ҳисобланади. Халқ бу қўшиқларда сўзнинг магиясига алоҳида ишонч билан муносабатда бўлган. Айтилаётган фикрларнинг амалга ошишига тўла ишонган. Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида «Наврўз», «Рамуш оғам», «Бобохвора» каби ўндан ортиқ мавсум-маросим байрамлари хусусида маълумот берилади.

Собиқ совет тузуми даврида халқ қадриятлари қатори сўзнинг мўжизавий қувватини инкор этиш одати анъана тусига кирган эди.

Натижада халқимизнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган ёмғир чақириш, шамол тўхтатиш, қурбонлик қилиш орқали мушкул вазиятни юмшатиш каби мавсум ва маросим амалларига нописандлик муносабати пайдо бўлганди. Аммо лекин юқорида қайд этилган маросимларнинг урф-одатлар сифатида ўтказилиши халқ ҳаётида ижобий натижалар берган. Шунинг учун халқимиз уларга ҳурмат билан қараган.

Ўзбек тўй маросим қўшиқлари М.Алавия, О.Собиров, О.Сафаров, А.Мусақулов, М.Жўраев, О.Исмонова ва бошқа фольклоршунослар томонидан ёзиб олинди, нашр этилган. Ўзбек тўй маросим фольклорининг ўзига хос табиати, жанрлар таркиби, таснифи ва маросим қўшиқларининг бадиий хусусиятлари каби масалалар М.Алавия, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, С.Давлатов, О.Исмонова, Г.Мардоноваларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Маросим қўшиқларини илмий тасниф этиш – мавжуд жанрларнинг ўзига хос табиати, унинг жанрлар таркибидаги тутган муайян ўрнини белгилаб беради. Олим Б.Саримсоқов ўзининг «Ўзбек маросим фольклори» номли монографиясида маросим фольклорини қуйидагича таснифлайди.

Дунё халқларининг деярли барчасида маросим фольклори икки катта гуруҳга мавсум билан боғлиқ маросимлар фольклори ва ҳеч қандай мавсум билан боғлиқ бўлмаган маросимлар фольклори, бошқача айтганда, оилавий-маиший маросимлар фольклорига ажралади. Демак, ўзбек маросим фольклори ҳаётий йўналганлиги, мақсади жиҳатидан дастлаб икки ката туркимга – мавсумий маросимлар фольклори ҳамда оилавий-маиший маросимлар фольклорига бўлинади.<sup>30</sup>

Мавсум-маросим қўшиқлари ҳам икки мавсум билан боғлиқ маросим фольклори жанрлари ҳамда мавсумий-меҳнат маросимлари фольклори бўлинади.<sup>31</sup>

---

<sup>30</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» нашриёти. 1986 – Б-30

<sup>31</sup> Саримсоқов. Б. «Ўзбек маросим фольклори» Т.: «Фан» нашриёти. 1986 – Б-31

Кўриниб турибдики маросим кўшиқлари ҳам ушбу таснифларга кўра:

1. «Мавсум-маросим кўшиқлари»;
2. «Оилавий-маиший маросим кўшиқлар» каби тасниф этилади.

Мавсум-маросим кўшиқлари ҳам иккига:

1. Мавсум билан боғлиқ маросим кўшиқлари. («Кўш хайдаш», «Суст хотин», «Лола сайли», «Чой момо», «Майда», «Ўроқчилар кўшиғи», «Яс-юсун» ва ҳоказо).
2. Мавсумий-меҳнат маросимлар кўшиқ ва айтимлари. («Лой тутиш», «Шохмойлар», «Обло барака»)

Оилавий-маиший маросим кўшиқларига эса (фарзанднинг туғилиши, хатна ва никоҳ тўйи, мотам-маросими билан боғлиқ йиғи-йўқлов, мотам ёр-ёрлари ва шомон айтимлари билан боғлиқ кинна, бадик) ни киритиш мумкин.

Маросим фольклори ва унинг икки қисми – мавсумий маросим ва оилавий маросимлар фольклори ҳар бир халқнинг ўзлигини намаён этувчи таянч манба ҳисобланади. Ўзбек халқининг мавсумий ва оилавий маросимлари тизими ҳамда фольклорида унинг олами англаш, унда инсоннинг ўрни ва вазифасини белгилаш билан боғлиқ дунёқарашлари акс этган. Халқнинг барча ҳаётий тажрибалари, билим ва хулосалари аввало ана шу мавсумий, оилавий маросимлар тизими ва унда куйланувчи фольклор намуналарида мужассам топган.

Филология фанлари доктори, профессор Ж.Эшонқулов кўшиқларни куйидагича таснифлайди.

Кўшиқлар ижро ўрни, ҳолати, мусиқага муносабати ва бадииятидан келиб чиқиб: ижро ўрни, поэтик структураси, мусиқийлиги ва рақсга муносабатига қараб тасниф этилади.

Ижро ўрнига қараб тасниф этилганда, кўшиқлар: маросим ва номаросим кўшиқларга ажралади. Ўз навбатида, маросим кўшиқлари ҳам

икки: мавсум-маросим ва оилавий-маиший маросим қўшиқларига бўлинади.<sup>32</sup>

Маросим қўшиқларида инсон ҳаётининг энг муҳим даврлари, бурилиш нуқталари (туғилиш, балоғат, уйланиш, ўлим) ва уларнинг табиатга муносабати ўз аксини топган бўлиб, маиший, психологик ҳамда эстетик функция ҳам бажариб келади.<sup>33</sup>

Тадқиқотчи олимлар томонидан ўзбек маросим фольклори иккита ката гуруҳга - мавсум-маросим ва оилавий-маиший маросим қўшиқларига бўлинган. Биз мазкур икки гуруҳ маросимлар ҳақиқатдан ҳам маросимларнинг асосий узвларидан эканлигини рад этмаган ва мазкур классификация тўғри таснифлаш эканлигини эътироф этган ҳолда маросим қўшиқлари таснифига диний маросим қўшиқларини ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Мавсумий-маросим қўшиқлари;
2. Оилавий-маиший маросим қўшиқлари;
3. Диний маросим айтимлари.

Ўз навбатида мавсумий-маросим қўшиқлари ҳам 2 катта гуруҳга:

1. Мавсум билан боғлиқ қўшиқлар.
2. Мавсумий-меҳнат маросим қўшиқлар.

Оилавий-маиший маросим қўшиқлари ҳам 4 катта гуруҳга:

1. Сўзнинг магик қудратига асосланган маросим айтимлар.
2. Боланинг бешик даври маросим айтим ва қўшиқлар.
3. Тўй маросим қўшиқлар.

---

<sup>32</sup> Эшонқулов Ж. Номоддий маданий мерос ва ўзбек халқ қўшиқларининг тадқиқи масалалари // «Номоддий маданий меросни таълим тизимига татбиқ этиш» Республика илмий-амалий семинар материаллари. Масъул мух: Ахмедова О.М. - Тошкент; Наврўз- 2015. Б - 24

<sup>33</sup> Эшонқулов Ж. Номоддий маданий мерос ва ўзбек халқ қўшиқларининг тадқиқи масалалари // «Номоддий маданий меросни таълим тизимига татбиқ этиш» Республика илмий-амалий семинар материаллари. Масъул мух: Ахмедова О.М. - Тошкент; Наврўз- 2015. Б - 25



#### 4. Мотам маросим кўшиқлар.

Диний маросим айтимлари ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Диний маросим айтимлари.
2. Диний мавзули айтимлар.

Мавсум билан боғлиқ кўшиқларга «Суст хотин», «Кўш хайдаш», «Лола сайли», «Чой момо», «Маида», «Ўроқчилар кўшиғи», «Яс-юсун» жанрлари мансубдир.

Қуйида мавсум билан боғлиқ маросимларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бизнинг фикримизча, ушбу этномаданий тадбирлар мавсумий (календар) характерга эга бўлиб, уларда инсоннинг табиатдаги ўзгаришлар (уйғониш, сўлиш ёки фаслларнинг алмашиши)га муносабати акс этади. Табиатдаги ўзгаришлар инсон руҳига, кайфиятига, соғлигига таъсир этган, ибтидоий даврдаги космологик қарашлар ва тасаввурлар беиз кетмаган. Инсон ўзини, ҳаёт тарзини, турмушини табиат инъомлари билан боғлиқлигини қанчалик чуқур англагач, уни шунчалик ранг-баранг қарашлар, урф-одатлар ва маросимларда акс эттирган.

Ўзбек этник маданиятида календар байрам-маросимлари муҳим ўрин тутди. Уларга «Наврўз байрами», дарахтлар куртак ёза бошлаганида ўтказиладиган «Толбаргак», ерга уруғ қадалаётганида «Биринчи уруғ қадаш», «Шох мойлар», «Суст хотин», «Кўш хайдаш», «Лола сайли», «Чой момо», иссиқ ўлкалардан қушлар қайтиб кела бошлаганида «Қалдирғоч келди», «Қушлар байрами», «Сумалак базми», «Халим базми», гуллар очилганида «Гул байрами», маросими мисол бўлиши мумкин.

Ёзда «Боғ сайили», «Узум сайили», кузда «Дўлана сайили», йил бўйи етиштирилган ҳосилни йиғиб олишга бағишланган «Ҳосил байрами»,

«Меҳржон» байрами, қишда эса «Биринчи қор», «Қорхат», «Қорбўрон ўйини», «Қурултой байрами», кунлар қаттиқ совиб кетганида сандал атрофига тўпланиб «Топишмоқ топ», «Ғазалхонлик», «Эртакхонлик», «Тез айтиш», «Ҳикояхонлик», «Лоф айтиш», «Достончилик», «Китобхонлик», «Мунозара», «Айтишув», «Масалчилик», «Қасидахонлик» каби анъанавий ўйинлар ўтказилган. Қизлар йиғилишиб, маданий дам олиш маросими-«Ҳалфана» уюштиришган.

Баҳор фасли маросимлари ўзбек халқи этник маданиятида бошқа маросимларга нисбатан кўпроқ учрайди. «Маълумки, баҳорда нафақат табиат, балки инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради. Инсон баҳор каби нозиклашиб, нафисликка, гўзалликка, янгиликка чанқоқ бўлиб қолади. Бу вақтда киши ҳар бир ҳодисадан янгилик ва гўзаллик қидириб қолади. Одамлар табиатида рўй берган ана шу ҳолат табиат билан боғлиқ бўлган ҳар бир ҳодисани поэтик маънога эга бўлган тadbир, маросимга айлантириб юборади.»<sup>34</sup>

Наврўз байрами бутун Ўрта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон халқлари этник маданиятига тааллуқли ижтимоий воқелиқдир.

Наврўз йилнинг бошланиши бўлиб, одамларни табиат кучоғига чорловчи, соф ҳаво, олам гўзаллигидан, қуёш тафтидан баҳра олдирувчи, зерикарли ва қаҳратон қишдан безган одамларга ҳис-туйғу ва завқ берадиган байрамдир. Унда аجدодларимизнинг илк мифологик тасаввурларидан тортиб, бугунги замондошларимизнинг маънавий қарашларигача жой олган.

Наврўз байрамига тайёргарлик бир ҳафта-ўн кун олдин бошланади. Бекалар «уй кўтарадилар», уйлар, ҳовлилар, ариқлар ва кўчалар яхшилаб тозаланади, ҳамма ўзига янги либослар тиктиради.

---

<sup>34</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: Шарқ, 2002. -76 б.

«Наврўз 21-мартдан 22-мартга ўтар кечаси «Қозон тўлди» удуми билан бошланади. «Қозон тўлди» соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир оила ўз имкониятига қараб тансиқ таомлар тайёрлайди.»<sup>35</sup> «Қозон тўлди» оқшомида бекалар палов, бўғирсоқ, кўкатли сомса, чучвара тайёрлаганлар ва мазкур таомлар қўни-қўшниларга улашилган. «Қозон тўлди» удуми аждодларимизнинг ҳосилдорлик ҳақидаги қадимий эътиқодлари билан боғлиқ.

Наврўз кунлари беморлар, кексалар, қариндош-уруғлар, етим-есир, бева-бечораларни йўқлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади. Меҳмоннавозлик, одамшавандалик яққол намоён бўлади, уруш-жанжал ман қилинади. Кўриниб турибдики, наврўз кунлари ҳамма жойда тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат-эътибор ҳукм суради. «Наврўз озодлик ва эркинлик куни ҳисобланган. Чунки бу кун меҳнат қилиш айб ҳисобланган, одамлар кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишларидан озод бўлганлар»<sup>36</sup>. Байрам кунлари кишилар ўзларини шоду хуррам бўлишга чоғлаганлар.

Байрам сайлларида табиат ва она диёрни мадҳ этувчи кўшиқлар, баҳор фаслининг ўзгача тароватига бағишланган айтим ва термалар ижро этилади. Аёллар гоҳ дардлашиб, гоҳ фикр алмашиб, гоҳ кўшиқ, лапарлар куйлаб, ўйин-кулгу қилиб сумалак кавлаганлар. Сумалак пиширгани чиққан аёллар ўзлари билан кўк сомса, кўк чучвара, турли хил пишириклар олиб келишган. Қозон бошида ушбу таомлардан танаввул қилиб, ярим тунгача ўйин-кулгу билан сумалак пиширганлар, қизлар ва ёшроқ келинчаклар дастёрлик вазифасини бажаришган. Сумалак пишириш баҳонасида, кекса-ю ёш аёллар дийдорлашиб, оз бўлса-да, турмуш ташвишларини унутишган, ёши улуғ аёллардан ибратли ҳикоялар тинглашган, бир-бирлари билан дардлашиб, енгил тортишган.

---

<sup>35</sup> Наврўз. –Т.: Фан, 1992. -10 б.

<sup>36</sup> Қорабоев У., Иброҳим Худоёр. Наврўз. –Т.: Академия, 200. 11 б.

Шунинг учун сумалак пишириш маросими кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи, улар калбида меҳр-оқибат уйғотувчи, яхшиликка етакловчи маросимлардан биридир. Унда хотин-қизлар яйраб дам олишган ва ҳордиқ чиқаришган.

«Дарвешона» маросимини ўтказиш учун халқдан пул тўпланади. Тўпланган пулга жонлиқ сотиб олиниб, йил яхши келиши учун қурбонлик қилинади. Қурбонлик гўштининг бир қисми кам таъминланган оилаларга ажратилади, қолган қисмидан катта қозонларда таом (шўрва, ош, ковордоқ) тайёрланади. Маросимда маҳалла оқсоқоллари келаётган йилда қилинадиган юмушлар ҳақида маслаҳатлашадилар. «Дарвешона»да пиширилган таом барча хонадонларга тарқатилади. Маросимнинг «Дарвешона» деб номланишининг сабаби қадимда қурбонлик қилинган гўшт дарвешларга, етим-есир, бева-бечораларга тарқатилган.

Ёзда ўтказиладиган халқ томошалари ва маросимларида календар байрамларига ва рекреатив (ҳордиқ чиқариш) маросимларга хос белгилар уйғунлашиб келади. Маълумки, Ўзбекистоннинг иқлими ёзда жуда иссиқ, шу боис юртимизда очиқ ҳавода, табиат қўйнида, яъни соя-салқин ва сершабада жойларда дам олиш анъана бўлган. Шунинг учун рекреатив маросимларни мавсумий тадбирлар деб ҳам қараш мумкин.

Куз фаслига оид байрам-маросимлар. Ҳосил байрамида ўлкамиз халқларига хос этномаданий белгилар кенг ўз аксини топади. Унда, биринчидан, «Меҳнат, меҳнатнинг таги - роҳат» деган халқ мақолининг ижтимоий-фалсафий моҳияти акс этади, иккинчидан, инсоннинг табиат кучларидан оқилона фойдаланиши бахт-саодат, фаровонлик келтириши ҳақидаги тушунчалари мужассамлашган. Куз табиатнинг шунчаки вақт ва макондаги ўзгариши эмас, у инсон хатти-ҳаракатларининг, интилишларининг, режаларининг у ёки бу кўринишда рўёбга чиққанини (чиқмаганини) ифодаловчи натижа, яқун, кўрсаткич, символдир. Шунинг учун, куз мавсумига оид байрамларда символик маъно мавжуд.

Ҳосил байрами қадимда бозор майдонларида, кейинчалик боғлар, майдонлар, хиёбонлар ва очиқ сахналарда уюштирилган. Аёллар бу байрамга сочларини ювиб, қўлларига хина, қошларига ўсма қўйиб тайёргарлик кўришган бўлса, эркаклар улоқ, кўпкари учун отларини ҳозирлашган. Шу атрофдаги бошқа майдонларда эса турли хил қизиқарли ўйинлар ўйналади, ҳар хил томошалар, жумладан масхарабозлар, дорбозлар чиқишлари, «Улоқ», «Пойга», «Қиз қувди» каби от спорти ўйинлари ўтказилади.

Қиш фаслига оид маросимлар. Қиш фаслида, айниқса қишлоқ жойларида одамларнинг бўш вақти кўпроқ бўлади. Улар сандал атрофида турли сўз ўйинлари ўйнашади, қўшиқ ва лапарлар айтишади, шеърхонлик, ғазалхонлик қилишади. Қиш фаслида ўтказиладиган маросимларда рекреатив белгилар яққол кўзга ташланади. Шундай маросим - ўйинлардан бири «Халфана»дир. Қиш фаслида маҳалла, қишлоқ қизлари ҳафтада бир марта тўпланиб «Халфана» ўйнашган. Халфана балоғат ёшидаги қизларнинг ҳафтада, ойда бир марта тўпланиб, ҳордиқ чиқариш маросимидир.

Қишлоқ ёки маҳалла қизлари йиғилишиб гапга чечан, уддабурон, обрў-эътиборли қизни ўзларига «халфа» қилиб сайлашган. Халфа навбатдаги йиғилиш кимникида бўлишини, ким нима келтиришини, Халфана тартиб-қоидаларини белгилаган. Қизлар дастурхонга турли егуликлар олиб келишган. Овқатланиш маросимнинг асосий атрибути эмас, албатта. Эркин суҳбат қуриш, доира ёки дутор чалиб, қўшиқ ва лапарлар куйлаб, рақсга тушиш, шеърхонлик, ғазалхонлик қилиш, мушоиралар ўтказиш маросимнинг бош мақсадидир. Унда ёши каттароқ қизлар кичик дугоналарига пазандалик сирларини, дастурхон безатиш, меҳмон кутиш, муомала маданиятини ўргатишган. Демак, Халфана қизларни турмушга тайёрлаш вазифасини ҳам ўтаган.

Ўзбек халқи мавсумий маросимлар, тарихий-маданий анъаналар, шу билан бирга, бугунги ёшлар маънавиятига таъсир этувчи ижтимоий-тарбиявий тажрибалар ҳам мавжудки, улардан самарали фойдаланиш истиқлол мафкурасини бадиий-эмоционал ва оммавий воситалар билан бойитади. Бунинг учун эса, миллий анъаналарни миллий истиқлол ғояси мақсадлари билан уйғунлаштириш, жамият тараққиёти кун тартибига кўяётган вазифаларга йўналтириш, ҳатто ўзгариб бораётган дунё талабларига мувофиқ модернизациялаш зарурдир.

Оилавий–маиший маросимлар ижтимоий–функционал нуқтаи назардан: а) оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга; б) ёшларни оилавий-маиший ҳаётга ўргатишга; в) янги оила қуришга; г) соғлом фарзандлар тарбиялашга; д) дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга; е) қариндош-уруғчилик анъаналарини давом эттиришга қаратилгандир. Тўғри, оилавий-маиший маросимлар оиланинг хўжалик юритиш, репродуктив вазифалари, оила аъзоларининг соғлигини сақлаш каби функциялари билан ҳам боғлиқдир. Аристотель оиланинг ранг-баранг ва мураккаб муносабатлардан иборатлигини назарда тутиб, уни «давлатнинг бўлаги» деб атаган. Шунинг учун оилавий–маиший маросимлар давлат ва оила ҳаётининг барча қирралари билан боғлиқ ҳолда трансформацияга учрайди. Бизнинг фикримизча, ушбу қирралар оилавий-маиший маросимларнинг юқоридаги ижтимоий функцияларида етарли даражада ўз аксини топади.

Ўзбек халқига хос этномаданий ва этнопсихологик ҳодисалардан бири болажонликдир. Шунинг учун у боланинг отаси «пушти камаридан она раҳмига ўтган»идан бошлаб турли оилавий-маиший маросимлар ўтказиб келади. Уларга «Суюнчи», «Чўмилтириш», «Исм кўйиш», «Бешикка солиш», «Бешиккертти», «Қовурдоқ», «Чалпак пишириш», «Юпқа пишириш», «Ақиқа», «Чиллагизорон», «Тирноқ олди», «Бешик тўйи», «Соч тўйи», «Тиш чикди», «Илк қадам», «Суннат тўйи», «Мучал ёши», «Никоҳ тўйи» каби маросимларни киритиш мумкин. «Суюнчи»

айтишда халқимизнинг этномаданий хусусиятлари ўз аксини топади.

Масалан, «Суюнчи» келтирган одам хабари кишиларга қандай таъсир қилишини, хабар кимга - қари ёки ёш, аёл ёки эркакка мўлжалланганини, улар хабарга қандай муносабатлар билдиришини олдиндан билиши керак бўлган. Бадхабар келтирганни халқимиз ёқтирмаган, хушхабар келтирганни сийлаган, азиз меҳмон деб қаршилаган. Натижада, узоқ ривожланиш жараёнида хабар етказиш ўзига хос рухий-маънавий воқеага айланган. Хабар хаста ё кекса (буви, бува)ларга юборилган бўлса, гапни узоқдан, ҳис-ҳаяжонга берилмай, ўта босиқлик билан етказилган. Бундан ташқари, хабарнинг янгилиги, қанча кутилгани, хушхабар ёки бадхабарлиги ҳам ҳисобга олинган. Хабарчини тақдирлаш, суюнчи бериш вазифасини асосан аёллар бажарган.

«Чўмилтириш маросими». «Чўмилтириш» маросимида фарзанд туғилган хонадондаги катта-кичик аёллар иштирок этган. Маросимга кўпни кўрган, кайвони аёл бошчилик қилган. Чақалоқни онаси ёки бувиси қўлига олиб, «бисмиллоҳ» айтиб, илиқ сувга солган. Тоғорадаги сувга ризқли-насибали, соғлом бўлсин, бало-қазодан асрасин деган ниятда кумуш солинган. Аёллардан бири чақалоқ устидан сув қуйиб турган, у ҳар сув қуйганида атрофдаги аёллар «бошинг тошдан бўлсин», «умринг узоқ бўлсин» каби эзгу ниятларини билдирган. Сувни аввал чақалоқнинг бошидан, кейин ўнг елкаси, сўнгра чап елкасига қуйишган. Бу «Оллоҳ аввал инсонни бошини ясаган, инсонни икки елкасида икки фаришта ўтиради, Оллоҳ ҳар бир ишни ўнг томондан бошлашни буюради», деган тасаввурларни англаган. Ушбу жараёнда айёллар томонидан турли ҳил айтимлар айтилган.

Аёлларимиз замонавий туғруқхоналарда фарзанд кўришга ўтгач, «Чўмилтириш» маросими ҳам трансформацияга учради, кўп жойларда у унутилган.

«Бешикка солиш» халқимиз этник маданиятига хос бўлган маросимлардандир. Унга гўдак туғилмасидан олдинроқ тайёргарлик кўришади. Бувилар бешик, унга ёпинчик, кўрпачалар тайёрлаб, неварасига ҳам янги либослар кийгизади. Маросимга яқин кишилар–аёллар чақирилади. У чақалоқ туғилганидан 7-9 кун ўтгач ўтказилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бешикдаги ўринни бир неча марта силаб, «эгалари кирсин, бобовлари чиқсин», деб айтим айтиб, зиёнкашлардан тозалангач, бола бешикка солинади. Фарғона водийсида бешикка солиш олдидан бир онахон кўлига болани, иккинчи онахон кўлига кичикроқ тошни олади, аввал кўлида тоши бор аёл «менинг бешигим» деб бешикка тошни кўяди, кейин эса иккинчи аёл «менинг бешигим» деб, бешикка болани ётқизади. Бу ҳолат уч маротаба такрорлангач, бешикка чақалоқ беланади. Бешикка тош кўйиш гўдакнинг боши тошдай қаттиқ бўлсин деган маънони англатади.

Маросим пайтида аёлларимиз алла-қўшиқлар айтади, гўдакни йўргаклаш, бешикни тозалаш(Холос-холос) ва инс-жинсларни қувиш, боланинг соғ-саломат ўсишига оид суҳбатлар уюштирилади. Маросим маънавий-тарбиявий хусусиятга эга бўлгани учун у деярли барча ўзбек оилаларида ўтказилади.

«Қовурдоқ» маросими фарзанд туғилганидан бир неча кун ўтгач ўтказилган. Белгиланган куни келиннинг онаси гўшт, картошка ва тухумдан қовурдоқ тайёрлайди, қариндош аёллар ҳам бирор тансиқ таом пиширадилар ва куёв хонадонига ташриф буюрадилар. Маросимда айнан қовурдоқ тайёрланишининг боиси у кучли таом ҳисобланиб, янги кўзи ёриган келинга қувват бўлишидир.

«Қовурдоқ» маросимида қариндош-уруғлар, қуда-андалар ва кўни-кўшнилар таклиф этилади. Аёллар маросимда дам олган, ширин таомлардан истеъмол қилган, оила, рўзғор ташвишларини вақтинча унутиб, ҳордиқ чиқарган. «Қовурдоқ» маросими кўпроқ Тошкент шаҳри ва вилоятига хос бўлиб, бошқа вилоятларда учрамайди.



«Бешик тўйи» – ўзбек халқининг кенг тарқалган чилладан кейин ўтказадиган маросимидир. У «Бешикка солиш» маросимидан дабдабалиги, кенглиги, иштирокчиларининг кўплиги билан фарқ қилади ва биринчи фарзандга бағишлаб ўтказилади.

Бешик тўйи деярли трансформацияга учрамай яшаб келаётган маросимлардан ҳисобланади. Тўғри, ҳозир бешик ёнига қуда томон кароват, коляска, ўйинчоқлар ҳам қўшиб келтиради, лекин бу нарсалар маросим негизидаги этномаданий моҳиятни, мазмунни ўзгартирган эмас, бу мазмун, моҳият келин-куёвни фарзанд билан табриклаш, уларнинг турмушига ёрдам бериш, аҳил, иноқ, серфарзанд яшашларига кўмаклашишдан иборатдир. Оила ижтимоий нигоҳ остида, унинг мустаҳкамлиги барчанинг ишидир. Бешик тўйи маросимида ҳам бир қатор айтим ва қўшиқлар ижро этилади.

«Биринчи қадам» боланинг мустақил қадам қўйишини нишонлаш маросимидир. Гўдак юришга интила бошлагач, унинг онаси, бувиси, яқин кишилари ҳамда қўшни болалар тўпланишиб, боланинг оёқларини чиройли ип билан боғлаб, орасидан кулча юмалатишган. Ушбу кулчага эга бўлиш учун йиғилган болалар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилган, чунки бундай кулча хосиятли, табаррук саналган. Болалардан бири кулчани олиб қочгач, қолганлари уни қувлаб кетадилар. Шу вақтда болаларнинг орқасидан талпиниб турган гўдакнинг оёқларидаги иплар ечиб (қирқиб) юборилади. Гўдак болаларнинг орқасидан интилади ва кўп ҳолларда юриб кетади. Ушбу маросим ўказилиш жараёнида болага атаб қўшиқ ва айтимлар айтилган.

«Аждодларимиз бу маросимда «боланинг бели бақувват бўлсин» деб, белига белбоғ боғлашган; «тўқлик бўлсин, бола очарчиликни билмасин!» деб мазали кулчаларни кичкинтойларга тарқатишган; «сувдек сероб бўлсин!» деб, боланинг қадам босган ерларига сув сепишган; «боланинг ҳаёти ширин бўлсин!» деб, бошидан ширинликлар сочишган;

«чиройли бўлсин!» деб, йўлларига гуллар сочишган; «бой бўлсин!» деб, бошидан пуллар сочишган; «касалга чалинмасин!» деб, исирик тутатишган; «кўз тегмасин!» деб, кўзмунчоқлар тақишган; «кинна кирмасин!» деб, дуолар ўқишган ва ҳоказо»<sup>37</sup>. Ҳозир «Биринчи қадам» кичик оилавий маросим тарзида онда-сонда учрайди.

«Суннат тўйи» мусулмончиликда фарз ва қарз саналган ўғил боланинг хатна қилиш билан боғлиқ маросимдир. У, биринчидан, тўйга тайёргарлик кўриш одатлари («Маслаҳат оши», «Жар-тўйга айтиш», «Тандир солди», «Қозон қурди», «Сабзи тўғраш»), иккинчидан, асосий тадбирлар («Меҳмон кутиш», «Қўноқ олиш», зиёфат-базм бериш, томоша, ўйинлар уюштириш), учинчидан тўйдан кейинги тадбирлар (тўйда хизмат қилганларни тақдирлаш, уларга алоҳида зиёфат бериш, совғалар инъом этиш, «тўй бола»нинг ҳолидан хабар олиш)дан иборатдир.<sup>38</sup> Уларнинг ташкилотчилари асосан эркақлардир. Суннат тўйлари XX асрнинг 80-90 йилларида катта дабдаба билан ўтказилган. Жумладан, наҳорда “Ош” маросими, пешин вақтида “Хотин оши”, кечқурун “Эркақлар базми” нишонланган. Бугун бу маросим ҳам ихчамлашиб, трансформацияга учрамоқда ва кўп ҳолларда «Бешик тўйи» ёки «Қовурдоқ» маросимларига қўшилиб нишонланмоқда.

«Мучал тўйи»ни халқимиз 12-13, 24-25, 36-37, 48-49, 60-61 ва ҳақозо ёшларда нишонлаб келади. У эркақларга ҳам, аёлларга ҳам тааллуқлидир. Мучал ёшларининг ичида айниқса 12 ёш кенг нишонланган. Бунинг боиси, биринчидан у илк мучал ёши ҳисобланса, иккинчидан болалиқдан ўсмирликка ўтиш давридир. Одатда, мучал ёши нишонланаётган инсонни бўйи баробар оқ мато ўлчаб олинади ва бирор зиёратгоҳга шукроналик рамзи сифатида эҳсон қилинади. Илгари у оила даврасида нишонланган, ҳозир унда қариндош-уруғлар, ҳамкасблар,

---

<sup>37</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: Шарқ, 2002. -121-122 б.

<sup>38</sup> Ўша жойда. -123 б.

қўшнилар ҳам қатнашиши кузатилади. Мучал тўйи маросимида 12 ёшни қаршилаган болага ёки қизга аталган қўшиқлар ижро этилган. Барча қизлар оқ либос кийишган.

«Никоҳ тўйи» ўзбек халқи маросим фольклорида муқим сақланиб келаётган, ташкилий нуқтаи назардан трансформацияларга учраган бўлса-да, ижтимоий моҳиятига кўра инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи миллий қадриятлардан биридир.

«Куёв навкар» никоҳ куни куёвнинг жўралари билан биргаликда келин хонадонига уни олиб кетиш учун қарнай-сурнай садолари остида, куёвжўралар рақсга тушган ҳолда ташриф буюриш маросимидир. Маросимдаги энг қизиқ одатлардан бири бу – куёвжўралар томонидан куёв пойига солинган поёндозни талашини оdatидир. Улар биз ҳам куёв бўлайлик, деган яхши ниятда поёндозни жон-жаҳдлари билан талашини-тортишадилар ва охир-оқибатда бир парчадан бўлиб оладилар. Маросимда куёв ва куёвжўралар қуюқ меҳмон қилинади, албатта миллий таом - ош тортилади. Куёвга зар тўн ва салла кийдирилади. Куёвжўралар томонидан «Куёв ўтирмайпти» (келин янгалар қават-қават янги кўрпачалар солиб бермагунча куёв ўтирмасдан тик тураверади, бу оdat ҳам куёвнинг қадрини баланд кўтариш учун қилинади), келин янгалар томонидан эса «Исириқ солиш», «Тўн сотиш», «Дастрўмол улашини», каби ҳазилга йўғрилган урф-одатлар бажарилади. Тошкент шаҳри ва унинг атрофларида куёв ва куёвнавкарлар ўтирадиган уйнинг тўрига, бурчакка куёв учун оқ матодан чимилдиқ илинади. Куёв хонага биринчи бўлиб киради ва чимилдиқни ўртасидан йиртиб, тепага илиб қўяди. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида куёвнавкарлар учун безатилган дастурхонда ҳар бир киши учун биттадан тухум қўйиб устини пиёла билан ёпиб қўйилади. Бу оdat келин-куёвнинг серфарзанд бўлиши учун амалга оширилади. Сирдарё вилоятида куёвжўралар ҳазиллашиб, чойнакнинг жўмрагини сездирмасдан бирор нарса билан беркитиб қўйиб, келин янгадан чой қўйиб беришни

сўрайдилар. Жиззахда куёвнавкарлар таомларни еб бўлгач, идишга пул соладилар. Куёвнавкарлар оёқ кийимларини хушёрлик билан кўриқламасалар келин янгалар уларни беркитиб кўядилар ва рози қилинмагунча бермайдилар.

«Куёв навкар» маросимида йигитлар томонидан куёв ва унинг жўраларига атаб кўшиқлар ижро этилган.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида куёвнавкарларга «Тўққиз товоқ», яъни тўққиз хил таом тортилади. Куёвжўралар дугоналари даврасида ўтирган келинни олиб чиқиш учун қизларга «Келин ҳақи», «Ажратқи» тўлайдилар. Сурхондарёда куёв келинни олиб чиқиш учун хонага кирганидан фойдаланиб, унинг оёқ кийимини беркитиб кўядилар. Куёв қизларга товон пули тўлагачгина, оёқ кийимини қайтариб берадилар. Келин томон вакиллари куёвни ўтин ёрдириб, тош кўтартириб ва яна бошқа усуллар билан синаб кўрадилар. Миллий либосларда ўтирган келин-куёв билан турли ирим-сиримлар ўтказилади. Доим бирга бўлишсин, деган ниятда келин ва куёвнинг кийимлари бир-бирига ип билан тикилади. Ризқ-насибали бўлиш учун келин гўшт тўғрайди, куёв илик ейди. Икки ёшнинг елкасидан ун сочилади. Қашқадарёнинг Косон туманида келинни куёв хонадонига отга миндириб, баъзи туманларда от-аравада, баъзиларида машинада олиб борадилар. Куёвнавкарлар келинни олиб кетишадиганда келин томонлик йигитлар арқон тортиб йўл тўсишади, куёв томон совға-салом бергач, йўлни очадилар. Бу одат келин томонлик йигитларнинг ғурурини кўрсатиш, келиннинг кадрини кўтариш учун қилинади.

Андижонда куёвнавкарлар олдига пиширилган бутун ўпка ва тўш кўйилади. Бу одат куёв ўпка-гина қилмасин деган ниятда бажарилади.

«Тўй» куни куёв уйига узатилиб кетиладиган келин отасидан оқ фотиха олади, ака-укалари, амаки-тоғалари билан ҳайрлашади. Халқимизда келинни узатиб боришда эркаклар қатнашмайди. Янгалар,

дугоналар, қариндош ва қўшни аёллар қуршовида келган келин куёв хонадонида пойига пояндоз солиб кутиб олинади.

Республикамизнинг аксарият вилоятларида никоҳ тўйи маросими куёв хонадонида ўтказилади. Бухоро вилоятида эса келиннинг ота-онаси хонадонида ўтказилади. Бунда тўй ҳаражатларини куёв томон кўтаради, яъни пиёз, туз ва бошқа аччиқ нарсалардан ташқари тўй дастурхонига қўйиладиган барча ноз-неъматлар куёв томондан юборилади. Халқимизда шўр ва аччиқ нарсалар хосияти ёмон деб ирим қилинади. Тўй тугагач, куёв хонадонида гулхан ёқилади ва келин-куёв унинг атрофида инс-жинслардан асраш, поклаш ва бир-бирига иситиш мақсадида айлантрилади. Келиннинг пойи қадамига жонлиқ (одатда қўй) сўйилади. Сўнгра келин-куёвнинг бошига янгалари ризқли-насибали бўлсин, жуфти билан бўлсин, деган ниятда иккитадан нон қўйиб чимилдиққа олиб киришади.

Наманган никоҳ тўйларида «Гул базми» ўтказилади. «Гул базми»да куёв ва келин томонлик йигит-қизлар қўлига гул олиб мушоира ўтказадилар. Йигит гул ва қизлар ҳақида шеър ўқийди ва қўлидаги гулни бирор қизга беради, қиз унга шеърый жавоб қайтариб гулни куёв томонлик йигитлардан бирига беради. Мушоира шу тахлит давом этади. Водий аҳли аскияга ўчлиги боис йигит ва қизлар ҳазил шеърлар билан бир-бирини доғда қолдиришга ҳаракат қиладилар. Мазкур маросимда Наманганликларнинг адабиётга, гулга бўлган меҳр-муҳаббати яққол намоён бўлади. Йигит ва қизлар тараф-тараф бўлиб гул ҳақида шеър ёки кўшиқлар ижро қиладилар.

Сурхондарёда келинни куёвникига олиб келишгач, дарвозадан кирмай туриб, қайнота ўз оиласига қабул қилишга розилик аломати маъносида эски чопонини келиннинг устига ёпади. Келин уй остонасига қадам қўйганда пойига кўрпача соладилар. Кекса аёллардан бири шу кўрпачага юмалайди, бу «Кампир ўлди» маросими бўлиб, гўё кампир бу билан ёш оилага келиши мумкин бўлган бало-қазоларга “мен ёшимни

яшаб бўлдим” деб, ўзини қалқон қилади. Сўнгра, кўрпача шу кампирга ҳады қилинади. Баъзи туманларда эса «Кампир ўлди» маросими ўзгача кўринишда ўтади, яъни кампир кўрпачага ётгач, ўзини ўлганга солади. Келин эса бор маҳоратини ишга солиб кампирни “тирилтириши” керак бўлади. Бунда у ўз хушмуомалалиги, ширинсуханлиги ва вазиятдан чиқа олиш қобилиятини намоён қилиши керак бўлади. Келинчак бу ишнинг уддасидан чиқмагунча кампир турмай ётаверади. Бу одат ҳазилга йўғрилган бўлиб, атрофдагиларда кулгу уйғотади. Шу билан биргаликда улар келиннинг фазилатларига баҳо берадилар.

«Келин салом», «Куёв салом», «Бет очар» Аксарият вилоятларда “Келин салом” маросими ташкилий ва ўтказилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Келин янгалари томонидан “Келин салом” айтилади, куёв томон келинга кўрмана, совға беради, келин томон ҳам бунга жавобан ўз эсдалик совғаларини берадилар. Келин уни кўргани келган ёш болалар, қиз-жувонларга ўз қўли билан тўқиган дастрўмолча ҳады қилади. “Келин салом” маросими тугагач, «Юз очар» («Бет очар») ўтказилади. Турли ирим-сиримлар: ризқли-насибали бўлсин, деган ниятда қозонга ёғ солиш, супрага ун элаш, гўшт тўғраш қабилар амалга оширилади.

Хоразм вилоятида «Келин салом» маросими тугагач, куёв томон аёллари янги келин иштирокида чучвара тугадилар. Айнан чучвара тайёрланишининг боиси, куда-андачилик муносабатларининг мустаҳкам тугилиши ва бузилмаслигига ишорадир. Бундан ташқари, чучварани қандай тугилганига қараб келиннинг пазандалигига баҳо берадилар. Тўйнинг учинчи куни куёв ва куёвжўралар келин хонадонига «Куёв кўрди» маросимига борадилар. Маросимда куёв оқ поёндоз устида, қўлини кўксига қўйиб туриб, уч марта салом беради. Келин томон қайта-қайта куёвни ўтиришга таклиф этса-да, уларнинг ҳурмати учун куёв анча вақтгача ўтирмасдан тик туради. Келиннинг дугоналари куёв ва унинг жўраларининг оёқ кийимларига сув, қанд, писта пўчоғи солиб қўядилар. Бу

хоразм қизларининг ҳазилга ўчлигидан далолатдир. Шу кундан бошлаб, уч кун мобайнида эрталаблари келин-куёв келин уйига саломга борадилар. Куёв қайнотасига уч кун салом беради. Учинчи куни келиннинг онаси кизига товук (серфарзанд бўлсин деган ниятда) бериб юборади. Хоразмда яна бир ўзига хос анъана борки, у бошқа вилоятларда учрамайди. Янги келин неча йил ўтишидан қатъий назар фарзандли бўлмагунча (баъзи ҳолларда ундан кейин ҳам) қайнота-қайнонаси ва оиладаги катта ёшдаги эркаклар билан гаплашмайди ва бу уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром рамзи ҳисобланади.

Андижонда никоҳ тўйининг эртасига эрталаб «Юз очар» маросими ўтказилади. Маросимга келиннинг онаси сарпо ва турли таомлар келтиради. Келиннинг юзидаги ҳарир пардани куёвнинг укаси ё жияни мевали дарахтнинг новдаси билан очади. Супра ёзилиб қайнота, баъзи жойларда қайнона келиннинг ҳовучига ун солади, келин унни супрага кўяди, бу амал уч марта такрорланади. Ош ва оқ қанд ҳам шу тахлит уларнинг кўлидан ўтади. Бу амал уй-рўзғор келин кўлига ўтганлигини билдириб, ёшларнинг ҳаёт йўли оқ, ширин, рўзғорлари тўкин-сочин бўлишини тилаш учун қилинади.

Наманган вилоятида «Юз очди» маросимидан кейин келин томон куёв томонга ўз совғаларини улашиб бўлгач, куёвга тўн кийдирилади ва бели маҳкам бўлсин, деган ниятда куёвнинг белига устма-уст белбоғ боғланади. Бу белбоғларнинг сони 20тадан 40тагача бўлиб, уларни қизнинг онаси куёвга атаб тиккан бўлади. Тўйдан сўнг келиннинг онаси куёв хонадонига 40 кунгача ҳар куни эрталаб таом юборади. Бу одат Фарғонада ҳам мавжуд бўлиб, 40 кундан сўнг «Куёв чақирди» маросими ўтказилади.

Сурхондарёда «Келин салом» тугагач, бир-бирига ширин муомалали бўлсин, деган ниятда бир вақтда битта қанднинг у томонини қайнона, бу томонини келин тишлайди. Супра ёйилиб, қайнона келинининг ҳовучига ун солади, улар биргаликда хамир қилиб, ёядилар. Бу

одат ёшларнинг ҳаёти ундек оқ, рўзғори бут бўлсин деган ниятда қилинади, шу билан биргаликда қайнонанинг келинга рўзғор юмушларини топширгани белгиси ҳисобланади. Ушбу маросимларда келин салаом қўшиқлари, ёр-ёрлар, лапар ва ўланлар ижро этилган.

Тошкентда никоҳ тўйидан икки кун ўтгач, эрталаб келин томон куёв хонадонига қовурдоқ таоми олиб келади.

Чарлар, куда чакириқ каби маросимлар ҳам борки, улар никоҳ тўйини ташкилий ранг-баранг, бадий-эмоционал элементларга, тасвирларга бой эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда ушбу маросимлар ихчамлашиб, камайиб бормоқда.

Ўзбек хотин-қизларида ўсма қўйиш, хина қўйиш, соч ўриш, намозшом пардоз, аёллар ҳашари маросимлари, «Хола-хола», «Уй-уй», «Меҳмон-меҳмон», «Беш тош», «Арғимчоқ», «Бешикча» ўйинлари ҳам бўлган. Улар безаниш, рекреатив ва қизларни оилавий-маиший ҳаётга тайёрлаш функцияларини бажарган.

Юқорида келтирилган маросимларнинг барчасида қўшиқлар ёки маросим айтимлари ижро этилади. Маросимнинг ҳаракат ва унинг сўз (вербал) қисми билан уйғунлашиб, бир-бирини тўлдиради.

Мавсумий меҳнат маросим қўшиқларига «Лой тутиш», Шох мойлар», Обло барака» маросим қўшиқларини киритиш мумкин.

Сўзнинг магик қудратига асосланган маросим айтимлар (кинна, бадик, олқиш, қарғиш ва афсунлар); боланинг бешик даври маросим айтим ва қўшиқларига (чақалокни бешикка солиш пайтидаги айтим ва қўшиқлар, алла); тўй маросим қўшиқлари (ёр-ёр, ўлан, келин салом, тўй олқишлари); мотам маросим қўшиқлари (йиғи-йўқлов, марсия, мотам алла ва ёр-ёрлари) дан иборат.

Диний маросим айтимлари (Рамазон ойида айтиладиган «Рамазон» қўшиғи);



Диний мавзули айтимлар (Навоийхонлик, Муножот, Машрабхонлик, Яссавийхонлик маълум даражада мақом йўллари ва катта ашула шулар жумласидан қўшиқ).

















### III БОБ. ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ

Ўзбек маросим қўшиқларнинг бадииятини ўрганиш фольклорнинг таянч жанрлари тарихини англаш, мазмун-моҳиятини очишда ўта муҳимдир. Маросимлар тизими изидан бориб, куйланган қўшиқ, айтимлардаги рамзлар, образли ифодаларнинг маъно қатламлари тадқиқ этиб халқ руҳиятига, тафаккур тарихига чуқурроқ қирамиз ва халқнинг дунё тамаддунидаги муносиб ўрнини англаб етамиз.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг бошқа жанрларида бўлгани сингари маросим қўшиқларида ҳам кўпгина бадиий санъатлар, жумладан ўхшатиш, рамз, метафора, сифатлаш, поетик такрор, аллитерация ва бошқа кўплаб поетик воситалар қўлланилади. Улар маросим қўшиқларининг ғоявий-бадиий асосларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бугунги кунга қадар ўзбек халқ қўшиқлари поетикаси М.Алавия, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Н.Қосимов, Ш.Турдимов каби фольклоршунослар томонидан жиддий ўрганилган бўлиб, улар ўз тадқиқот ишларида, рисола, мақола ва монографияларида «поетика» атамасининг моҳияти, унинг адабиётшуносликдаги талқинлари ҳамда халқ қўшиқларидаги бадиий воситаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим илмий-назарий қарашларини илгари сурган.

Оилавий-маиший маросимларнинг энг катта қисми бу тўй маросими ҳисобланади. «Тўй» атамаси «тўймоқ», «эл-юртга зиёфат бермоқ» маънолари орқали муайян киши ҳаётидаги муҳим бурилиш нуқтасини англатади. Бинобарин, тўй ҳам моддий, ҳам маънавий озиқланиш маросимидир. Бу маросим турли муносабатлар билан ўтказилганлиги туфайли уларда ижро этиладиган фольклор жанрлари ҳам хилма-хиллик касб этади. Ўзбек тўй маросимлари сирасида никоҳ тўйлари расм-русмларга, ирим-сиримларга бойлиги, фольклор материалининг ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай ранг-баранглик ҳамда кўтаринки рух маросимнинг мақсад ва вазифаси билан инсон ҳаётининг

янги даврига қадам қўйишини алоҳида қувонч орқали нишонлаши билан боғлиқдир.

Тўй маросим қўшиқларидан бири бу ўланлардир. Ўлан асосан ўтмишда кўчманчилик ва ярим кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирган ўзбек уруғлари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, у қиз узатар оқшомидан бир ёки бир неча кун илгари қизнинг уйида ўтказиладиган “қиз оқшоми”, “қизлар мажлиси” каби турли номлар билан нишонланадиган тантанада ижро этилган. Ўлан шаҳар ҳамда қадимдан ўтроқ тарзда ҳаёт кечирувчи аҳоли ўртасида учрамайди. Айрим ҳолларда қиз узатар кечаси куёвнинг уйида ўтказиладиган базмларда ҳам ўлан ижро этилиши мумкин. Бунда ўлан тўйни қизитиш, меҳмонларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида айтилган. Жанрнинг пайдо бўлиши масаласида ҳам ўзбек фольклоршунослигида аниқ бир фикр йўқ. Ўзбек қўшиқлари билан ишлаган олима М.Алавия бу масала хусусида тўхталиб, “ўлан жанри қадимда ёр-ёр, лапар жанрлари билан бир бўлиб, кейинчалик улар турли жойлардаги традиция, турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда дифференциациялашиб, мустақил жанр ҳолига келиб қолган”<sup>39</sup>, деб ёзади.

Фарғона водийсининг айрим жойларида ўлан мисралари охирига «ёр-ёр» сўзини радиф қилиб ишлатиш ҳоллари бу икки жанрнинг ўтмишда бир бўлганлигини билдирмайди. Чунки ёр-ёр ва ўлан жанрлари ижро усули жиҳатидан кескин фарқланадилар. Умуман, ўлан, лапар, ёр-ёр жанрларининг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзгачаликлар масаласи алоҳида тадқиқот талаб қилади. Ўлан ижросида йигит ва қизлар юзма-юз туриши, уларнинг сўз воситасида мулоҳаза юритишлари ушбу жанрнинг тарихан ислом таъсири у қадар кучли бўлмаган кўчманчи туркий халқлар, жумладан, кўчманчи ўзбек уруғлари орасида вужудга келганлигидан далолат беради. Ўланнинг тематик доираси кенг бўлиб, унда ишқда вафодорлик, ёр висолига муштоқлик

---

<sup>39</sup> Турдимов. "Ўзбек фольклоршунослигининг ривожланиш тамойиллари"(Ўқув-услубий мажмуа 52-бет)

мотивлари етакчилик қилади. Ўлан айтишни, одатда, йигитлар бошлаб беришади.

Йигит:

Қарға дейман, кўзингдан, қарға дейман,

Қарға уя солади жарга, дейман.

Кўрмаганга кўп вақт, ойлар ўтди,

Ўлан билан сўрашай — «ҳорма» дейман.

Қиз:

Ўланларим, кўзингдан, ўланларим,

Сен бўлдинг шу дунёда гумондорим.

Сен бўлсанг шу дунёда гумондорим,

Куя-куя кул бўлди суякларим.<sup>40</sup>

Ўлан поэтик жиҳатдан ҳам қатор ўзгачаликларга эга бўлиб, улардан бири текстнинг изчил тўртлик шаклидаги банд тузилишига эга эканлигидир. Ҳар бир банд эса “аа”, “ба” тарзида қофияланади. Ўланлар фақат тўйларда эмас, турли йиғин маросимларида ҳам айтилган. Ўлан айтиш кўпроқ кўчманчи чорвадорлар орасида кенгроқ тарқалган бўлиб, улар тарафма – тараф айтишув сифатида куйланган. Масалан:

Қиз:

Олти йигит ичида отинг Турсун,

Кўзага сув қўйдим, тиниб турсин.

Чиндан суйиб ўйнасанг, мен борайин,

Ёлғон билан чақирсанг, бетинг қурсин.

Йигит:

Олти қизнинг ичида отинг Анор,

Анордайин бетларингдан қонлар томар.

Нурлар томган бетингдан бир ўптирсанг,

Она сутин эмгандайин меҳрим қонар.<sup>41</sup>

---

<sup>40</sup> Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева “Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси” 72-Б

Ёр – ёрларда асосий мақсад келин – куёв таърифи, уларга тилак билдириш бўлса, ўланлардаги бош мақсад айтишувда ғолиб чиқишдир. Ўзбек халқининг машҳур “Алпомиш” достонидаги Алпомиш ва Бодом бикач айтишувларини назарда тутсак, ўланларнинг вужудга келиши жуда қадимий эканлигига амин бўламиз.

Фарғона вилоятида яшовчи аҳоли оdatига кўра, никоҳ тўйининг «Қиз оши», «Лапар кечаси» деб аталадиган базмларида лапар, байт билан бир қаторда кўп ҳолларда ўлан айтилади. Қизлар билан йигитлар тарафматараф туриб, ошикона мисра-байтларга бой ўланларни айтишганда, худди сўз билан тортишмачоқ ўйнагандай бўлади. Бу базмда қизлар ва йигитлар томонидан икки киши сал олдинга чиқиб ўлан айтишади. Одатда, тўйга атаб қизнинг отаси икки-уч жуфт олма олиб кўяди. Ўлан айтувчи йигит шулардан биттасини ушлаб туриб кўшиқ бошлайди ва қизлар тўдасидаги чечан қизга отади. Улар ҳам ўз навбатида ўлан билан жавоб бериб, ҳалиги олмани рўпарадаги йигитга отади. Шу тариқа янгидан-янги ўланчилар ўртага тушаверади.

“Ўлан” аслида “уланг” сўзининг “Ўланг ва улан” шаклларидаги фонетик ўзгариши туфайли юзага келган бўлиб, келин (қиз) ва куёв (йигит) ни бир – бирига маънавий жиҳатдан боғлаш, улаш мақсадини ифодаловчи маънога эга.

Ўланларнинг тематик доираси кенгдир. Уларда ишқда вафодорлик, ёр висолига муштоқлик мотивлари етакчилик қилади. Куёв тараф – куёвни, келин тараф – келинни таърифлаш мусобақасига киришади. Тарафлар айтишуви шўх – шодон қийқириқлар оқимида кувноқ ҳазилкашликка айланади. Айрим ҳолларда қуюшқондан чиқиб кетишганини сезмай қолишади. Масалан:

Йигит:

---

<sup>41</sup> Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева “Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси” 74-Б

Олма – ўрик деганда, олма – ўрик,  
Маҳалланинг ичида қилдинг кўрик.  
Маҳалланинг ичида қилсанг кўрик,  
Сендан бўлган болага мен ҳам шерик.

Қиз:

Унинг ўчсин деганда, унинг ўчсин,  
Қора қайчи тилингнинг учин кессин.  
Яна қайтиб уятли ўлан айтсанг,  
Ит ялоқда ош ичиб кунинг ўтсин.<sup>42</sup>

Ўланлар одатда, яккахон ўланчининг оддий овоз солиши асосида куйланиб, у тўртликни айтиб бўлгач, тарафдорларининг жўровоз қийқириқлари асосида ё тўртлик, ё унинг сўнгги сатри хайқириб такрорланади. Ўланлар хозиржавобликни, ҳазил – мутойибани талаб этади.

Фарғона вилояти ўланлари ҳам, асосан тўртликлардан ташкил топиб, воқеабандлиги, диалог шаклида икки томон бўлиб ижро этилиши билан характерланади. Бу жиҳадан улар лапарга ўхшаса-да, ғоявий-бадий хусусиятлари, тасвир объектлари, унда куйланган ҳаёт тарзи, образли фикр юритиш даражаси билан бир-биридан ажралиб туради. Масалан:

Ўйна туриб деганда, ўйна туриб,  
Ўртанаман-куяман сени кўриб.  
Ўртанганда-куйганда сени кўриб,  
Эрмаклайсан, куласан лабинг буриб.

Ўланларда бу тартиб ҳамиша сақланмайди. Қуйидаги қиз ўланида муҳаббатни инсоннинг энг нодир фазилати, муқаддас хислати деб қадрлагани ифодаланади:

Қўлимда бир узугим ғумдона бос,  
Ошиқ бўлсанг оёғинг мардона бос!

---

<sup>42</sup> Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева “Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси” 73-Б

Ошиқлик қиз-йигитнинг иши экан,  
Ошиқликка тенг келмас зару олмос.<sup>43</sup>

Фарғона вилоятида қўшни Тошкент вилоятининг Қурама тоғлари атрофларида айтиладиган ўлан ижрочилигининг таъсири ҳам сезилиб туради. Бунга кўра ўланнинг биринчи сатри бир ёки икки сўздан ташкил топган бўлади. Бундай ўланларда ҳам шу икки сўзга иккинчи ва тўртинчи сатрлар қофияланади. Биринчи сатр чўзиб айтилади. Ўланларда йигит-қизнинг бир-бирини синаш мақсадида, ҳазил-мутойибага йўл қўйилади. Бу ёшлик шўхликлари, тенг-тенги билан топишганидан кўнгли бир олам севинч билан тўлганларнинг тароналаридир.

Ўзбек халқининг тўй ва мотам маросими қўшиқларида от, илон, бўри, ит, туя каби ҳайвонларнинг образлари ҳам кўп кўзга ташланади. Уларнинг ҳар бири турли замонларда қадимги туркийлар мифологиясида муҳим ўрин тутган от, бўри тотеми ҳамда ит, илон, туя култига алоқадор қарашларни ўзида ташлайди.

Бўри образи никоҳ тўйи маросимининг турли узвларида қўйиланадиган турли қўшиқларида, жумладан, ёр-ёрларда, ўланларда, ва келин саломларда кузатиш мумкин.

Эътиборли жихати шундаки, ўланларда бўри образи, асосан эр-йигитларга нисбатан параллел образ сифатида келтирилиши кузатилади. Унинг аёлларга тенглаштирилиши кузатилмайди.

Масалан:

Қоратов бизнинг овул қовоқлайди,

Ўланни шоир йигит савақлайди.

Жарқўтоннинг йигити бари и бўри,

Нечангни ушлаб, нечангни чавақлайди.<sup>44</sup>

Ёки:

---

<sup>43</sup> Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева “Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси” 73-Б

<sup>44</sup> М.Алавия. Оқ олма, қизил олма, 1972 йил. 177-бет.

Ўлан айтсам, ўланчи дейди мани,  
Йўлда ётсам, оч бўри ейди мани.  
Оч бўрининг оғзига қилдим арқон,  
Йигирмага киргунча кирдим зархон.<sup>45</sup>

Ҳаётда ақли-ҳуши ўзида бўлган аёл йўлда думалаб ётмаганидек, хид сезиш қобилияти кучли бўлган бўри ҳам мумкин қадар инсон йўлларидадан четлаб юради.

Ўландаги бўри поетик образ бўлиб, тарихий асосига кўра тотемизм билан боғланади ва маъжозий маънода эр кишини англатади. Унинг очлиги ҳам физиологик ҳодиса эмас, балки психологик кайфият, интим муносабатга ташналикдир.

Шақал – халқ орасида Чиябўри деб юритилади. Унинг образи ҳам халқ қўшиқларида учрайди:

Қиз:

Жўжали товук сен бўлиб  
Териб еяр чоғингда,  
Юрган шақал мен бўлиб  
Қириб кетсам қайтасан?  
Йигит:  
Юрган шақал сен бўлиб  
Қириб кетар чоғингда,  
Ётган кўшпак мен бўлиб  
Ҳав-ҳав этсам нетасан?

Кўриниб турибтики, ушбу қиз-йигит айтишувида йигит шақал (чиябўри)га, қиз эса унга ем бўлиши мумкин бўлган «жўжали товук»қа ўхшатишмоқда.

Тўй маросимининг асосини ташкил этувчи ёр-ёрларни ҳам алоҳида жанр деб аташ мумкин. Никоҳ тўйларини ёр-ёрларсиз тасаввур қилиб

---

<sup>45</sup> Гулёр: Фарғона халқ қўшиқлари / тўпловчи Ҳ.Раззоқов/. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – 172 (250).

бўлмайди. Шу сабабли ҳам бу пайтгача эълон қилинган кўшиқ тўпламларининг барчасида ёр-ёр намуналари келтирилган. Ёр-ёрларни тўплаб, нашр этган, тадқиқ қилган фольклоршунос олимлар М.Алавия, Ж.Қобулнийзов, О.Собиров, Б.Саримсоқовлар ёр-ёрларни тўй маросим кўшиқлари, хусусан никоҳ тўйи фольклори намунаси сифатида баҳолашган.

Ёр-ёрларда асосий мақсад келин-куёвга эзгу тилаклар билдириш ҳисобланади. Узатилаётган қизга далда-тасалли берилади. Унга умр йўлдоши бўлаётган куёвнинг таърифи келтирилиб, қиз овутилади, қиздаги ётсираш туйғйсини сўндиришга ҳаракат қилинади. «Ёр-ёр»лар такрор асосида юзага келган жуфт сўз бўлиб, моҳиятан келин-куёв жуфтлигини рамзан алқовчи, таъкидловчи, эътироф этувчи оҳангга эгалигида, қолаверса, тасаввуфий маънода Аллоҳ (ёр) номини ифодалаб, янги оилани бунёд этаётган қиз (келин) ва йигит (куёв) жуфтлиги унинг иродаси билан содир бўлаётган илоҳий аҳд эканлигидан ҳам жонли сўзлашувда, ҳам илмий таомилда бир хилда сингишиб ўзлашган.

Ёр-ёрлар яккахон томонидан ёки кўпчилик томонидан хор сифатида куйланади. Ёр-ёрнинг узун-қисқалиги келин борадиган манзилнинг узоқ-яқинлигига боғлиқ. Шуни таъкидлаш жоизки, Навоий замонасида ёр-ёрлар «чинка»лар деб аталган, бироқ ўша даврда ҳам ёр-ёрларда фаол радиф вазифасини бажариб келган. Қолаверса фольклоршунос М.Алавия гувоҳлигича, ҳозир ҳам Оҳангарон шаҳри ва унинг атрофида халқ тилида уни «чинка» ёки «чанги» истилоҳларининг жанрни ифодаловчи маъноси заифлаша бошлади, пировард – оқибатда илмий атама сифатида барқарорлаша олмади. Юқорида айтиб ўтканимиздек ўзбек халқининг тўй маросими кўшиқларида от, илон, бўри, ит, туя каби ҳайвонларнинг образлари кўзга ташланади. Келин саломларда ҳам бўри образидан фойдаланганлик кузатилади.

Масалан:

Оғзи сабзи ўрадай,

Ўрмондаги бўридай,



Акасига кўп салом.

Ёки:

Қўйга чопган бўридек,

Оғзи аллаким гўридек,

Ўролвойга бир салом.<sup>46</sup>

Тўйда айтиладиган ёр-ёрлар билан мотам ёр-ёрлари орасида нақоратида ёр-ёр сўзининг қўлланилиши билан ўхшашлик кузатилади. Аммо, бирида хурсандчилик, бирида қайғу, изтироб устуворлик қилади. Мотам ёр-ёрлари балоғатга етиб, турмуш кўрмай, дилларга чуқур армон солиб, бу дунёни тарк этган бокира, бўй етган қиз йигитлар ўлганда куйланган. Уларни ҳам профессионал еғичилар ҳам куйлайди. Мотам ёр-ёрларини куйлаш жараёнида қизлар учун чимилдиқ тутилади., унинг ипларига марҳума кийиши насиб этмаган, келинлиги учун онаси ният қилиб йиғган сеплар армон ва ўкинч билан илиб, тузаб чиқилади ва мотам ёр-ёри куйланади. Қизга «сала» ўралади. Халқимиз орасида шу жараёнларда ижро этилувчи махсус айтимлар мавжуд:

Ўрам – ўрам сочларинг,

Тупроқ бўлди ёр – ёр,

Сен учун онаизор,

Адо бўлди ёр – ёр.

Юрак қонга тўлди –ю,

Қаро бўлди ёр – ёр.

Келинлигинг сарпаси,

Энди аза ёр – ёр.

Гул солинган каштангни,

Кимга берай ёр – ёр,

Тўлиб – тўлиб оққан,

---

<sup>46</sup> Алавия. М. Оқ олма, қизил олма, 164-бет.

Сойга берай ёр –ёр.<sup>47</sup>

Йигитлар ўлимида ҳам садр тушилиб, ёр-ёр куйланади. Баъзи жойларда отни ўртага олиб, унинг устига йигитнинг чопонини ташлаб давра курадилар. Бу одатнинг «От тўрлади» деб юритилиши ҳақида М.Алавия маълум

Мотам маросимида инсоннинг анимистик тасаввур - тушунчаларга, рухнинг барҳаётлигига, ўлимдан сўнг қайта тирилишига, нариги дунё мавжудлигига ишонч туйғуси ёрқин акс этиб туради. Қадимда мархумларни от ёки бирор бошқа уловда қабристонга олиб бориб дафн этганлар. Бунга ибтидоий инсонларнинг маълум ҳайвонни ўзига тотем сифатида санаши ва ўша ҳайвон кишига бу дунёсида ҳам, у дунёсида ҳам мадакдор бўлади деб қараб, унга сиғиниш асос бўлган. Туркий халқлар отни худди шундай тотем ҳайвон сифатида эъзозлашган. Хатто, маълум даврларда мархум жангчиларни ўз жанговор оти ва курул - яроғи билан қўшиб дафн этишган. Кейинчалик эса, мархумларни отда қабристонга олиб бориш одати, мурдани «ёғғоч от» деб аталувчи тобутга солиб кўтариб бориш удуми билан алмашган. Шу туфайли мотам айтимларида тобутга нисбатан «Тўрт оёқли чўбин от» сифатлаши кенг қўлланилади.

Хотин - кизлар орасида мотам маросимида турли мавзулардаги йиғи ва йўқловлар, ўлим аллалари (мархумнинг абадий уйқусидаги оромини таъкидловчи) мотам ёр - ёрлари (турмуш қурмай, пок беғубор кетган қиз - йигитларга нисбатан) каби фольклор намуналари кенг ижро қилиниши кузатилади. Йиғи ва йўқлов жанрларига мансуб фольклор айтимлари барча халқлар оғзаки ижодида мавжуд. Халқимиз орасида йиғилар, бўзлов, айтим каби номлар билан ҳам юритилади.

---

<sup>47</sup>Алавия. М. Оқ олма, қизил олма, 1972. Б -180.

Мотам маросимининг энг кўзга кўринган жанри марсиядир. Марсия ўлим юз бергандаги ҳаётий сабаб, рухий эҳтиёж туфайли ижро этилади. Бошқа вақтда уни куйлаш ирим килинади.

Бирларда бўлди бир пари,

Бўлди уйимнинг сардори.

Энди махрамлар хардори,

Бул дунёдан нима олди?

Иккида бордим эгилиб,

Тупроқларга термулиб.

Сўрамади келдингми деб,

Нега келиб, нега кетди?

Учларда бўлдим учмадим,

Тупроқларини қучмадим.

Сувлар узатдим ичмади,

Нега келиб, нега кетди?

Тўртларда бўлдим тўтиё,

Бўлдим унга булбулгўё.

Энди қолган умрим зиё,

Нега келиб, нега кетди?

Бешларда бордим билмади,

Келдингми деб сўрамади.

Ёким назарга илмади,

Нега келиб, нега кетди?  
Олтиларда овиш - овиш,  
Кичкирдим бермади довуш.  
Тупроқлардан кийди ковуш,  
Нега келиб, нега кетди?  
Жеттиларда жеталмадим,  
Сендан ўтиб кеталмадим.  
Бир сўз дея айталмадим,  
Нега келиб, нега кетди?  
Саккизларда кўрдим сахарда,  
Гуллар очилар баҳорда.  
Суҳбат қилмадинг маҳалда,  
Нега келиб, нега кетди?  
Тўққизларда кўрдим тўлғаниб,  
Шойи рўмолга ўралиб.  
Сўрамадинг келдингми деб,  
Нега келиб, нега кетди?  
Ўнларда кўрдим тириб,  
Ичдинг пиёла тўлдириб.  
Жединг оғзингдан кетмади,  
Кийдинг эгнингдан кетмади.

Хатто яхши кўриб минган,

Йўрганг ҳам бирга кетмади.<sup>48</sup>

Ушбу марсияда тупроқлардан кийди ковуш топилмасига қойил қолмасдан илож йўқ. Чунки инсоннинг яъни нариги дунёга кийимсиз кетган инсоннинг ковуш кийиши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Шу жиҳатдан тупроқлардан ковуш кийишни тўла маънода фикрий янгилик дейишга ҳақлимиз.

Марсиянинг яна бир ажойиб намунасини Очилова Саида опа томонидан ёзиб олинган "Жон болам " мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Буни биз бир кўришда онанинг боласига айтган тилаги, ўкинчи, армонларининг йиғиндиси дейишимиз мумкин . Аммо матн билан яқиндан танишиб, тахлил жараёнига ўтарканмиз унинг болага эмас, турмуш ўртоғига аталган марсия эканлигига гувоҳ бўлдик.

Бош эгам десам бўламан де жон болам,

Ховузлар сувидай тўламан де жон болам.

Ховузларнинг сувидай сув қания жон болам,

Бош эгангнинг боридай кун қания жон болам.

Узун - узун арғамчия жон болам,

Ерларга ёзсам майлимия жон болам.

Эсизгина тариғдай бош эганг,

Қаро ерга ётса майлимия жон болам.

Бош эгангнинг салласи масжидгая жон болам ,

Унга бўйлаб бўлмайдия жон болам.

---

<sup>48</sup> Фольклор экспедицияларида тўпланган халқ кўшиқлари: 2011, 2012, 2013 – йиллар.

Бош эгангнинг ширин сўзлария жон болам,

Дафтарга дoston бўлмайдия жон болам.

Бош эгангни сўрасанг жон болам,

Келмас жойга кетгандир жон болам.

Бош эгам десам бўламан де жон болам,

Ўнг кўлимнинг узуги чап кўлимга сиғмайдия жон болам,

Эсизгина бош эгам пешонамга сиғмадия жон болам.

Бош эгам десам бўламан де жон болам,

Ховузлар сувидай тўламан де жон болам.

Ховузларнинг сувидай сув қания жон болам,

Бош эгангнинг боридай кун қания жон болам.<sup>49</sup>

Марсия кимга қарата куйланиши жихатидан фарқланиб туради. Бу фарқни мархумни сифатлаш учун келтирилган метафорик ўхшатишлар ёрқин белгилаб туради. Масалан, ота - қуёшга, она - ойга, фарзанд - гулга ёки булбулга ўхшатилиб келинади. Марсияни ё мархум яқинлари, ё азага келганлардан бири айтади.

Ўзбек халқ марсияларининг мавзу доираси ниҳоятда кенг бўлиб, уларда ўлим орага солган айрилиқдан шикоят қилиш ва зорланиш, тақдирдан ўпкалаш, мархум ўлимига ачиниш, ўлимнинг барҳақлиги ва ҳаммага баробарлигини таъкидлаш, мархумнинг сифатларини, фазилатларини, тириклигида қилган хайрли ишларини мадх этиш, мангу жудолик ва айрилиқдан нолиш, мурданинг қабр ичидаги аҳволидан

---

<sup>49</sup> Фольклор экспедицияларида тўпланган халқ кўшиқлари: 2011, 2012, 2013 – йиллар.

хавотирланиш, етимликдан шикоят қилиш, бедаво ўлим дардига даво тополмаган табиблардан зорланиш каби мотивлар асосий ўрин тутди.

Мотам маросим фольклорида аллалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. «Алла» сўзининг «Аллоҳ»дан келиб чиққанлиги ҳам рамзий маънога эга. Онада қониқиш аломати, шукр аломати, ўз тақдирдан норози бўлса, шунда ҳам фарзандли бўлиш шукронаси ва Аллоҳдан нажот сўраш оҳанги етакчи бўлади.<sup>50</sup> Аллаларда фарзанд камолини тилаш устуворлик қилса, мотам аллаларида фарзанд доғи алаmidан куйлаш етакчилик қилади.

Мотам аллалари 2 хил бўлади: улардан бири чақалоқ ва гўдаклар ўлимида куйланиб, боланинг дунёдан тўймай бораётганини, бунинг ота-онаси қалбида армон бўлиб бораётганлигини таъкидлаш мақсадида куйланади. Бу хил аллаларнинг келиб чиқишига чақалоқларни ухлатиш учун айтиладиган аллалар етарли таъсир кўрсатган. Чунки, уларда «алла» сўзи (ухлашга даъвати) бола тилида ифода этади. Шундан бўлса керак, мотам аллаларида ҳам «алла» такрорида шу маънога ишора кўзга ташланади. Масалан:

Алла, алла – я, алмисоқ

Гўрингда ёнсин шамчироқ.

Шамчироқнинг ёнганидан,

Ёнмагани яхшироқ.

Бевафо дунёнинг бўлганидан,

Бўлмагани яхшироқ.<sup>51</sup>

---

<sup>50</sup> Madayev O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – T.: Mumtoz so'z, 2010. – B. 152.

<sup>51</sup> Mirzayev T., Safarov O., O'rayeva D. O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi. – T., 2008. – B. 119.

Мотам аллаларига ислом динининг ўлимга йиғи қилмасликни талаб қилувчи қоидалари ҳам таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Шу боисдан, мотам аллалари кйулана бошланиши билан азадорлар йиғини тўхтатиб, унга жимгина кулоқ солиб турадилар.

Болалар аллаларини профессионал шахслар – аллагўйлар ижро этади. Нақоратларда бошқалар унга жўр бўлади.<sup>52</sup>

Мавсумий маросимлар эса йил мавсумларининг алмашинуви аввали ва охири, маълум бир хўжалик турларининг бошланиб яқун топиши, об-ҳаво билан боғлиқ мавсумий маросимларни ўз ичига олади. Мавсумий маросимларнинг аниқ вақти, белгиланган ўтиш муддатлари мавжуд ва улар бир оила ёки жамоага тегишли бўлмай бутун халқ оммасига тегишлидир. Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, йилнинг тўрт фасли, меҳнат ойлари, байрамлар, урф одатлар, маросимлар, мавсумий иш ҳаракатлар билан боғлиқ равишда жуда кўп кўшиқлар яратилган. Маросимлар, одатлар турли туман бўлганидек, буларга бағишланган кўшиқлар ҳам хилма-хилдир.

Ўзбек мавсумий маросимларининг бошланиши бевосита Наврўз байрами билан алоқадор. Наврўз янги йил, йилбоши деб ҳам юритилади. Яъни қиш ва ёз (икки қутб)нинг ўзаро курашуви, қиш томоннинг енгилиб, чекиниши натижасида кириб келади, деган дуалистик қараш ушбу маросимда энг таянч тасаввур ҳисобланади. Наврўзни кутиб олиш, тантана қилиш жараёнида ўтувчи барча маросим халқларида ана шу курашни тасвирлашга, ифодалашга йўналтирилган.

Республикамизнинг бир қатор вилоятларида турли шакл-кўринишларда ҳозиргача амал қилиб келаётган «Бойчечак» маросими янгилиниш, яшариш баҳор фаслининг даракчиси, Наврўз айёмининг

---

<sup>52</sup> Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – T.: Musiqa, 2010. – B. 147.



бошланиши ҳисобланади. Маросимни нисбатан тўлароқ халқларини Наманган вилоятининг Чортоқ тумани ҳудудида кузатиш мумкин. Бу ерда болалар эрта кўклам бойчечакни топиб, бир гуруҳ бўлиб, жўрабоши этагида хонадонма-хонадон кезиб чиқишади. Бойчечакчилар ҳар бир хонадон дарвоза олдида тўхтаганда, жўрабоши ушбу кўшиқни куйлайди:

- Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,

Худоим ўғил берсин бешигингизга, -

Гуруҳ эса:

- Бота, бота-бо, бойчечак,

Уйингизга чоч тилла.

Илойим ўғил берсин,

Отгинаси Рахматилла,

Уй эгаси кўриниш берганда:

- Ўтириб чиқинг,

Ўтириб чиқинг,

Ёғоч товоқни тўлдириб чиқинг, -

дейдилар.

Хонадон соҳиби жўрабоши тутиб турган бойчечакни кўриб, тавоф қилиб, ҳимматига яраша ул-бул бойчечакчиларга беради. Уй эгаси хасислик қилиб ҳеч нарса бермаса, бойчечакчилар:

Ўқим, ўқим,

Қозонингга ...! - деб ёмон тилак билдиради.

Шунингдек, халқимиз меҳнат давомида баҳор фасли дала ишларининг бошланиши, куз фаслида ҳосил йиғиш, қиш фаслида турли маросимларни ўтказиш амалларини бажариб келган. Бу ҳақида филология фанлари доктори, профессор Баходир Саримсоков ўзининг "Ўзбек маросим фольклори" китобида мукаммал фикр юритади. Муаллифнинг этиборини жалб этадиган мулоҳазаларидан бири халқимиз амалга оширган мавсум ва маросимга оид тадбирларнинг бирортаси сўз санъати намуналарисиз ўтказилмаслигини таъкидлаш билан белгиланган. Хусусан, «Суст хотин», «Яда», «Чой момо», «Яс-юсум», «Шамол чақриш» каби маросимларнинг ҳаммасида мавсум қўшиқлари етакчи ҳисобланади. Бу қўшиқларда халқ сўзнинг магиясига алоҳида ишонч билан муносабатда бўлган. Айтилётган фикрларнинг амалга ошувига тўла ишонган. Шунинг учун ҳам умид билдириладиган мисралар мазкур қўшиқларнинг моҳиятини белгилаган.

Суст хотин, сузма хотин, қўланкаси майдон хотин!

Ёмғир ёғдир хўл бўлсин, еру жаҳон кўл бўлсин.

Майсалар қулок ёзсин, суту қатиқ мўл бўлсин.

Матндан шу нарса аён бўладики, қўшиқ ижрочилари ўзларининг йил давомидаги умидларини ҳам баён этишга имкон топганлар. Қўшиқ давомида ёмғир ёғишидан қурғоқчиликнинг йўқ бўлиши, кузда ерга сепилган буғдойларнинг бош тортиши, яъни бошоқ чиқариши куйланади. Дехқончилик ривожланган маҳаллий жойларда ёмғирнинг ўз вақтида бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Қурғоқчилик дехқончилик билан шуғилланадиган аҳолига катта кулфат келтирган. Шунинг учун одамлар суст хотин мавсумий одатни топишган. Кўкламда одамларнинг ўйнаб-кулиши, шафтолиларнинг барг ёзиши, атроф майсалар билан безаниши, ажойиб гулларнинг очилиши тасвири орқали аجدодларимизнинг она юртга бўлган муҳаббатини ифодалаган бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас:

Ёмғир ёғди хўл бўлди, еру жаҳон кўл бўлди!

Шафтолилар барг ёзди, Суст хотин, сузма хотин.

Мавсум – маросим кўшиқларидан «Чой момо» маросимида айтиладиган намуналар ҳам ўзларининг қадимийлиги билан эътиборга лойиқдир. «Чой момо» маросими деҳқон етиштирган ҳосилга зарар етказувчи тинимсиз давом этаётган қаттиқ шамолни тўхтатиш вақтида ўтказилади. «Чой момо» маросимида асосан қуйидаги кўшиқ ижро этилади:

Чой, чой, чой момо,

Чой момоси ўлибди,

Ўғли етим қолибди,

Боса-боса беринглар.

Босилиб қолсин бу шамол,

Уга-уга беринглар,

Угилиб қолсин қув шамол,

Обло-ху, обло-ху,..

Шамол чақириш маросими ҳам аجدодларимизнинг қадим замонларда ўтказган одати ҳисобланади. Бу маросим ҳақида фолклорчи олим Б.Саримсоқов фақат бита кўшиқ сақланганини таъкидлайди. Муҳаммад Пайғамбарнинг куёви Ҳазрат Алига Ҳайдар номи билан мурожаат қилинади ва шамолни кўйиб юборилиши сўралади:

Ҳайдар, ота-онанг ўлибдир,

Моли сенга қолибдир.

Боланг сувга оқибдир,

## Шамолингни қўйвор.

Хуллас, «Ёмғир чақириш», «Шамол чақириш», «Шамол тўхтатиш» каби мавсумий қўшиқларнинг халқимиз орасида ҳозирги пайтгача яшаб келаётган деҳқончилик касбининг ўзбекларда ҳам қадимийлигини, ҳам халқимизнинг аجدодлар яратган қадриятларига чексиз эҳтиром билан қарашини исботлайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, маросим қўшиқлари матнларида намоён бўлган поетик ходисаларнинг моҳиятини, уларнинг ўзаро ички муносабатларини ўрганиш, бош вазифа саналади. Бу жихатдан маросим қўшиқларидаги оммабоплик, жаранглилик, охангдорлик, соддалик ўзига хос тасвирий воситалар тизимини ўрганиш муҳимдир. Умуман қўшиқ атамасининг тарихи қанчайин сода туйилмасин, оғзаки ижодимиздаги бу жанр жуда мураккаб рухий кечинмаларни ифодалашга хизмат қилади. Ўқилганда, эшитилганда тушуниш, осон сезилган тўртликлар замирида олам - олам маъно, мураккаб қисмат ётади. Шу боис ҳар қандай қўшиқ билан танишганимизда тезлик билан шошиб хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.























## **УМУМИЙ ХУЛОСА**







## **Фойдаланилг анадобиётлар**





## **ИЛОВАЛАР**